


Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#30 18.05.2012

ЎХХ МАҚСАДИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА



Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ватанимизда Ислоҳ Каримов диктатураси ўрнига адолат ва ҳуқуққа асосланган эркин фуқаровий жамият қуришни мақсад қилиб олган. Бу мақсадда ўтган бир йил давомида мафкуравий,

сиёсий ва бошқа соҳаларда халқимизга ҳақиқатларни етказиш, диктатура ҳукуматининг жиноятларини фош қилиш, ЎХХ ни дунё жамоатчилигига танитишга уринмоқдамиз.

Қейинга кунларда ушбу мақсадда Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда қатор тадбирларни амалга оширдик.

Бу тадбирларни рўйхат ҳолида қуйидагича тақдим қилишимиз мумкин:

1. Туркиянинг Истанбул шаҳрида “Эркин Ўзбекистон Дўстлари жамияти” тузилди.

2. Туркиянинг қатор газеталари ва телевидение каналларида Ўзбекистондаги вазият ва диктатор Каримов ҳукуматининг халқимизга қилаётган зулми ҳақида мақолалар ва кўрсатувлар берилди.

3. Туркия, Норвегия, Канадада Андижон қатлиомининг 7 йили муносабати билан пикетлар ўтказилди.

4. Номи муҳолиф, ўзи каримовчи бўлган гуруҳлар келишиб олишган ҳолда, ЎХХ га ҳужумга ўтишди. Бу ҳам ҳаракатимизнинг таъсири кучайиб бораётганига бир ишорат, деб биламиз.

5. Тожикистонда Ислоҳ Каримовнинг жиноятларини фош

қиладиган китоб чоп этилди. (Бу ҳақда биз ҳам чет элдаги ахборот воситаларидан ўргандик.

6. Ўзбекистон телевидениеси ЎХХ раҳбариятидан Муҳаммадсолиҳ Абутов ҳақида “Ватангадо” номли фильм намойиш қилинди. Бу билан ҳаракатимиз Ўзбекистонда расман “тан олинган бўлди”.

7. Сайтимизга келаётган хатлар ва мурожаатларнинг сони тораб ошиб бормоқда. Уларда асосли ва фактларга таянган маълумотлар берилмоқда

8. Социал тармоқларда (фасйбок, однокласники ва ҳк) тарафдорларимиз ва хайрихоҳларимизнинг сони ортмоқда, бу ҳам ҳаракатимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганига далилдир.

9. Ўзбекистонга ҳаракат фаолиятини ёритадиган ўн мингларча е-маил мактублари жўнатилмоқдамиз. Яъни, 1990 йилларнинг бошларида бўлгани каби халқимиз билан бевосита алоқа қилишни йўлга қўйдик.

10. Ўзбекистондан олинаётган хабарларга кўра халқимиз ЎХХ фаолияти билан яхши танишдир. Демак, ЎХХ ва халқимизнинг бирлашиб, ватанимизда адолат ва ҳуқуққа асосланган эркин фуқаровий жамият қурадиган кунларимиз яқиндир, иншаллоҳ.

11. Бундай вазиятда биз Ўзбекистондаги ва хориждаги бутун ҳамюртларимизни ЎХХ билан ҳамкорлик қилишга чиқаримиз.

Бундай ҳамкорлик ҳаракатимизга аъзо бўлиш, унинг интернет нашрларини, “Эркин Юрт” газетасини ўқиш, уларни билмайдиганларга бу ҳақда маълумот бериш, халқимизни Каримов диктатурасига қарши огоҳлантириш каби шаклларда бўлиши мумкин.

Намоз Нормўмин

М. СОЛИХ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ АРМИЯСИ КАРИМОВ УЧУН ЖАНГ ҚИЛМАЙДИ

Ўзбекистон армияси нақадар кучли? Қўшниларда халқи қўзғолони юз бериши мумкинми? Тожик чегарасида ўзбек курулли кучлари-нинг, зирҳли техниканинг пайдо бўлишига сабаб нима? Ўзбекистон орқали ўтадиган наркотик трафиғини ким назорат қилади?

(Сўхбат 2-бетда)

ОСЛОДА АНДИЖОН ШАҲИДЛАРИ ХОТИРЛАНДИ

Андижондаги Бобур майдонида Ўзбекистондаги қаттол режим тарафидан ваҳшийларча ўлдирилган мингларча мусулмон биродарларимизнинг руҳини хотирлаш тадбири ўтказилди.

(Давоми: 3-бетда)

РОССИЯДАН КЕЛАЁТГАН ТОВАТЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Жорий йилнинг 16 мартдан Россияга мардикорликка кетган Иштихон туман Халқобод қишлоғида яшаган 1967 йилда туғилган Эшқобил Ниёзовнинг жасади 22 апрел кунин Россиянинг Москва шаҳридан қишлоғига келтирилди ва қишлоқ қабристонига дафн қилинди.

(Давоми 3-бетда)

АНДИЖОН ҚИРҒИНИ ВАНКУВЕРДА ЁДГА ОЛИНДИ

“2005 йилнинг 13 май кунги Андижон қирғинида шаҳид кетганларнинг хотирасини унутишга ҳаққимиз йўқ!” дейишди, канаданинг Ванкувер шаҳридаги кўчалардан бирида хотира пикетини ўтказётган ЎХХ Канада бўлимининг бир гуруҳ фаоллари.

(Давоми 4-бетда)

ОБИД ҚОРИГА СУИҚАСД МАСАЛАСИДА ИККИ КИШИ КЎЛГА ОЛИНДИ

Имомга суиқасд қилганлардан икки нафар эркак қўлга олинди 30 ёшлар чамасидаги икки нафар эр-как стромсундлик имом Обидхон қори Назаровга нисбатан амалга оширилган суиқасдга ёрдам берганликда гумонланиб қўлга олинди.

(Давоми 4-бетда)



Муҳаммад Солиҳ ва Виола фон Крамон
(Олмония Парламентининг “Яшиллар” партиясидан миллатвакили)
ЎХХнинг Биринчи Курултойи, Берлин, 29 май 2011 йил.

М. СОЛИҲ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ АРМИЯСИ КАРИМОВ УЧУН ЖАНГ ҚИЛМАЙДИ

(Тожикистоннинг “Азия плюс” газетасига суҳбат)

Ўзбекистон армияси нақадар кучли? Қўшниларда халқи қўзғолони юз бериши мумкинми? Тожик чегарасида ўзбек қуролли кучларининг, зирхли техниканинг пайдо бўлишига сабаб нима? Ўзбекистон орқали ўтадиган наркотик трафигини ким назорат қилади? “Азия плюс” газетасининг бу саволларига ЎХХ лидери Муҳаммад СОЛИҲ жавоб берди.

- Яқинда Тошкентда махбуслар қўзғолони ҳақда хабар чиқди, гуёки бу қўзғолон қувват тизимлари тарафидан шафқатсизларча бостирилган. Кейин бунинг антитеррор машқлари бўлганлиги маълум бўлди. Тошкент шаҳрининг марказида, одамлар яшайдиган маҳаллалар ичида бундай машқлар ўтказиш сизнингча нормалми?

М. Солиҳ: Бу машқлар МХХ тарафидан ташкил қилинган тадбирдир. Каримов ҳокимиятини ушлаб туришда асосан куч тизимларига суянади. Қизиғи шундаки, бу қувватларнинг ҳаммаси – жумладан армия ҳам – ички душман билан курашга мўлжаллангандир. Ички душман эса битта – ўзбек халқи. 2005 йил май ойида Андижонда бу “душман” ўққа тутилди. Бугунги “машқлар” ҳам МХХ ва Ички Ишлар Вазирлиги энг аввало “ички душман” билан, халқ қўзғолони ва митингларни бостириш учун тайёргарликдир. И.Каримов ташқаридан бирор хужум кутаётгани йўқ. У халқнинг қўзғалишидан қўрқади ва буни кутади. Бу “машқлар” халққа “агар қўзғалсанг сенга зарба беришга тайёрман”, деб мускулларини кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Шу боис, бу “машқлар” эълон қилинмасдан, халқни қўрқитиш учун, шаҳарнинг қоқ марказида ўтказилмоқда.

- Қузатувчиларнинг айтишича, Ўзбекистон армияси минтақадаги энг кучли ва қўсонли армиядир. Сиз бу фикрга қўшилмасизми?

М. Солиҳ: Туғри. Бу армия минтақадаги бошқа ўлкалар армиясига нисбатан кўп сонли ва яхши қуролланган. Аммо бу армия ҳали жиддий ва яхши ташкилотланган харбий куч билан юзма-юз келгани йўқ. Аскарларда маънавий-ахлоқий тамал йўқ. Душман билан курашиш учун мафкуравий мотив(туртки) йўқ. Уларда бу режим учун жангга кириш истаги йўқ.

- Тошкент ва Душанбе орасидаги муносабатларнинг навбатдаги совиш босқичида Ўзбекистон қўшинларини Тожикистон чегарасига олиб келаркан, муҳтамак қуролли конфликт ҳақда сўз юритила бошланди. Бу тахминлар нақадар ҳаётий сизнингча?

М. Солиҳ: Каримовнинг бу стратегияси Имомали Раҳмонни қўрқитиш ва уни ўзига бўйсундиришга йўналтирилгандир. Кейинги йилларда Тожикистон президенти мустақил ҳаракат қилиб, мустақил қарорлар қабул қила бошлади, айниқса, Рогун ГЭС и масаласида. Тожикистон чегарасига қўшин тўплаш акцияси, менимча, Россиянинг ижозати билан ташланган қадамдир. Кремлнинг изнисиз Каримов бу ҳаракатни қилишга журъат этолмасди. Россия ҳам Тожикистонни ўз жандарми (Каримов) воситасида тобе ҳолда тутишдан манфаатдордир. Тошкент бир тарафдан Вашингтон билан яқинлашса, иккинчи тарафдан Москва билан ҳам мулоқот қилиб қўйишни унутмаяпти, айниқса, Тожикистон режимини зайфлаштириш масаласида.

- Сиз яқинда ВВС радиосига берган интервьюингизда Ўзбекистонда халқ қўзғолон кўтариши мумкинлиги ҳақда гапирдингиз, бу билан нима демоқчи эдингиз?

М. Солиҳ: Ўзбек халқида бу чириган, порахўрлар ҳокимияти билан курашишнинг бошқа йўли қолмади. Халқ қўлига қурол олиши мумкин. Бошқа

усуллар ўзини оқламади. Сайловлар билан режимнинг ўзгариши ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

- НАТО қўшинлари Афғонистондан чиқса, “Толибон” кучларининг Ўзбекистонга хужум қилиш тахликаси борми?

М. Солиҳ: Шундай бир эҳтимол бор. 90-йилларнинг охирида Ислон Каримов дунёни “Толибон” билан мулоқотга чақирганди, аммо НАТО қўшинлари Афғонистонга киргандан сўнг Каримов АКШ тарафга ўтиб, “Толибон”га қарши чиқа бошлади. Агар “Толибон” ҳокимиятга келса, Каримовдан ўч олишга уриниб кўриши аниқ.

- Нега қуролли гуруҳларнинг ўзбек-афғон чегарасидан олиб наркотик олиб ўтишга уринишлари ҳақда хабарлар кўринмаяпти? Ўзбекистон чегараси шу қадар яхши қўриқланаяптими ёки ўзбек ҳукумати бу хусусдаги фактларни яшираяптими?

М. Солиҳ: Ўзбек ҳукумати наркотик ташувчи гуруҳлар билан ҳамкорлик қилади ва наркотикни қабул қилиб, бошқа ўлкаларга ўтказиб юборишади. Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати доим бу гуруҳлар билан бирга ишлаган. Улар наркотрафикдан катта пул қилишган. Бу иш бугун ҳам давом этмоқда. Шу боис, “наркотикчи қуролли гуруҳларнинг ўтишга уринишлари” ҳақда хабар ҳам бўлмайди. Улар узларига боғлиқ бўлмаган яқка наркотикчиларни ушлаши мумкин, аммо асосан, “наркотик дахлизи” ҳамшиша Ўзбек Махфий хизмати назорати остида бўлган.

- Ислон Каримов МХХ нинг бу кирдикорларини билмайдими?

М. Солиҳ: Каримовнинг ўзи бу ишни назорат қилади. У бу дахлизнинг доим МХХ назоратида бўлишини текшириб туради.

- Кўп йиллардан бери халқаро тахлилчилар Фарзона водийсида (водийга Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳудудлари ҳам кирди) муҳтамак конфликт ҳақда башорат қилишади. Бундай конфликтга сизнингча нима сабаб бўлиши мумкин?

М. Солиҳ: Диктаторлар ҳоким бўлган минтақада қавмиятчиликка (этник асосга) таянган низолар юзага келиш тахликаси доим бўлади. Чунки бу раҳбарларнинг ўзлари ахлоқан бузук инсонлар, этник жиҳатдан муаммоли кишилар. Уларда этник комплекс бор. Бу ўлкаларнинг раҳбарлари мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий бўҳронларни “майда миллат”ларни сабаби қилиб кўрсатишга ўрганиб қолишган. Бу шахслар ҳокимиятда экан, минтақада этник низолар тахликаси яшайверади.

<http://news.tj/ru/news/m-salikh-armiya-uzbekistana-ne-budet-voevat-za-karimova>

Бугун, 13 куни Ослода Андижон қатлиомининг 7 йиллиги муносабати билан Андижондаги Бобур майдонида Ўзбекистондаги қаттол режим тарафидан ваҳшийларча ўлдирилган мингларча мусулмон биродарларимизнинг руҳини хотирлаш тадбири ўтказилди. Йиғилганлар ўлкамизда ҳукм юргизаётган манфур режимга қарши шiorлар айтдилар. Сўнгра Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг Норвегия бўлими раиси Мақсуд Бекжон нутқ ўқиди ва йиғилганлар билан Ўзбекистондаги режим табиати ва мамлакатимизнинг истикболи ҳақида суҳбатлашдилар. Қуйида Мақсуд Бекжоннинг нутқи билан танишасиз:

ОСЛОДА АНДИЖОН ШАҲИДЛАРИ ХОТИРЛАНДИ



ҚОННИНГ ҚАДРИ

(Андижон қатлиомига 7 йил тўлгани муносабати билан)
Азиз дўстлар, мана, бугун Андижонда тинч намоёнига чиққан аҳолининг қатлиом қилинганига 7 йил тўлибди. Орадан 7 йил ўтибди, аммо қалбимизда бу қатлиомдан қолган жароҳат ўзининг 7 кунини ҳам яшагани йўқ, бу жароҳат ҳали ҳам ўшандай янги ва қонгалашди. Вақт ўргимчаги бу жароҳат устини ўзининг иплари билан ўртишига ҳали бери умид йўқ, чунки, бу қатлиомни амалга оширган жиноятчилар ҳали ҳам жазосиз қол-моқда, боз устига, улар миллатни тур-ли хил йўллар билан қатлиом қилишда яна ушандай ғайрат билан давом этмоқдалар. Бугун бу қатлиом ҳақида ўйлар эканман, хотирамга мамлакатимиз эндигина мустақилликка эришган илк кунларда бу ерда бўлаётган воқеаларни кузатиш учун ўлкамизга келган бир озарбойжон қардошимиз айтган қуйидаги гаплар эсимга келади: “Одатда, озодликка қон

билан эришилади, сиз, яхшиямки, бунга қонсиз эришибсиз, аммо ҳақиқий озодликка эришиш учун кейинроқ барибир қон тўкишга тўғри келади”. Бу гап икки йилдан бери ўз ерларини босқинчилар ва уларнинг малайларидан озод қилиш учун курашаётган мамлакатдан келган

қардошимизнинг гапи эди.

Мен ҳозир ўша озарбойжон қардошимизнинг гапини эслар эканман, хаёлимга: “хўш, биз озодликка эришиш учун яна қанча қон тўкишимиз керак, биз, халқ ўларок, Туркистонда энг кўп қон тўккан халқ эмасми?” деган надоматли ўй келади. Хўш, нега бу қонлар, ўша қардошимиз айтгандай, бирон бир самара бермаяпти, нега ҳали ҳам қонни энг кўп тўкиб, озодликдан энг узоқ қолаётган халқ бўлиб қолмоқдамыз, деган саволлар руҳимни кемиради, менга тинчлик бермайди. Бу саволларга қалбдан чиқаётган жавоб эса, кўнгилни ўкситувчидир, бу мунгли жавоб шундайдир: барча қадриятларимиз сингари бизнинг қонимиз ҳам ўз қимматини йўқотгандир, қонимиз ҳам худди инфляцияга учраган ўзбек сўми каби уни бирон бир нарсага алиштиришга яроқсиз бўлиб қолмоқдадир.

Советлар пайтида бир тийинга бир кути гугурт олиш мумкин эди, ҳозир эса бунга неча минг тийин сарфланаётганини ҳисоблаб чиқиш ҳам

қийиндир; советлар пайтида бир фуқаронинг бурнидан тўкилган бир томчи қон бугунги пайтда юртимизда минглаб фуқароларнинг кўкракларидан оқаётган қондан қадрироқ, қимматлироқ бўлган ва ўша бурундан тўкилган бир томчи қон учун унга сабабчи бўлган одам бугун ўн минглаб

одамларнинг қонини тўкаётганлардан кўра кўпроқ жазога мустаҳиқ қилинар эди. Бугун биз қилишимиз лозим бўлган асосий ишлардан бири қадриятларимизни тиклашдан иборатдир, қадриятларимиз тикланмас экан, миллат ўларок, қаддимиз ҳам тикланмайди, тўкилаётган қонларимиз ҳам қадрсиз, самарасиз бўлиб қолаверади. Зотан, қонимизнинг ўзи ҳам ўша ерга урилган, топталган қадриятлардан биридир. Қоннинг қадри – бу қонга юкланган Масъулиятда, Ғояда, Ниятдадир. Масъулиятсиз, Ғоясиз, Ниятсиз тўкилган қоннинг зиёфат учун сўйилган қўй қонидан фарқли жойи йўқдир. Қонимиз Халқ Масъулиятига, Халқ Ғоясига, Халқ Ниятига йўғрилган пайтдагина у яна энг юксак қадриятларимиздан бирига айланади. Қонимиз Халқимиз қонига келиб қўшилмоғи, халқимиз томирларида оқа бошламоғи лозим, ўшанда биронтаимизнинг ҳатто бурнимиздан оққан бир томчи қон ҳам бошқалар тарафидан бутун бошли бир Халқнинг тўкилгани қони сифатида талқин қилинадиган бўлади. Қорин тўйғазиш учун ва ёки ўзининг тор бир “меркантил” манфаатлари учун тўкилган қон эса, самарасиз ва қадрсиз бўлиб қолаверади. Халқ ўз қонини уни фақат юксак ғояларга буркабгина кадр-қимматли ва охироскибатда озодликка, хурликка олиб келадиган даражада кадрли ва самарали қонга айлантириши мумкин. Бунинг учун халқимиз Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сингари юксак ғоялар билан майдонга чиққан сиёсий Ҳаракатга келиб қўшилмоғи лозим. Озодликка олиб келувчи қон ҳақида гапирган озари дўстимиз ана шундай сифатдаги қонни назарда тутган эди.

*Мақсуд Бекжон
ЎХХ Норвегия бўлими раиси*

РОССИЯДАН КЕЛАЁТГАН ТОБУТЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Жорий йилнинг 16 мартдан Россияга мардикорликка кетган Иштихон туман Халқобод қишлоғида яшаган 1967 йилда туғилган Эшқобил Ниёзовнинг жасади 22 апрел куни Россиянинг Москва шаҳридан қишлоғига келтирилди ва қишлоқ қабристонига дафн қилинди.

Марҳумнинг қариндошларини айтишича, 22 апрел куни тонг саҳарда Самарқанд аэропортига кўнган учоқдан Эшқобил Ниёзов қўйилган тобутдан ташқари яна



иккита тобут туширилган.

Ўша тобутдаги марҳумларнинг бири Булунгурлик, иккинчиси эса Қашқадарё вилоятидан экан.

Самарқанд аэропортида хизмат қиладиган ишончли бир манбанинг етказган маълумотига асосан, кейинги уч йилда Россиядан келтирилган тобутлар сони 2000 йил бошига нисбатан икки маротаба кўпайган.

Самарқанддаги мухбиримиз

АНДИЖОН ҚИРҒИНИ ВАНКУВЕРДА ЁДГА ОЛИНДИ



“2005 йилнинг 13 май кунги Андижон қирғинида шахид кетганларнинг хотирасини унутишга ҳаққимиз йўқ!” дейишди, канаданинг Ванкувер шаҳридаги кўчалардан бирида хотира пикетини ўтказётган ЎХХ Канада бўлимининг бир гуруҳ фаоллари.

13 май куни Ванкувернинг Арт Галерея музейи олдида тўпланган ЎХХнинг Канада бўлими фаолларининг қўлларидаги турли плакат ва шиорлар, якшанба куни кўча сайрига чиққан юзлаб Ванкуверликларнинг диққатини тортди.

“Айтинчи, у ерда нима бўлган ўзи? Расмлар мунча даҳшатли?” дейди инглиз тилида 50, 60 ёшлардаги ногиронлар аравачасида ўтириб, плакатлардаги расмларни томоша қилган бир киши.

ЎХХ аъзоси Марат Насибуллин бу каби саволларни берганларга эринмасдан тушунтириш беради. Арт Галерея олдида юрган бошқа одамлар ҳам Андижон воқеалари акс этган турли фотосуратларни ва инглиз ва турк тилларидаги плакатларни кўра бошлайдилар.

“Олис Канадада диктатор Каримовнинг Андижонда ўз фуқароларини қириб ташлаши ҳақидаги ҳақиқатни айтамин деб бугун бу ерга йиғилдик. Токи бу хунрезликнинг айбодори бўлган Ислам Каримов ва унинг амалдорлари жиноятлари учун жазо олишмас экан, дунё ўзбеклари, шу жумладан ЎХХ аъзолари буни жажон ҳамжамиятидан талаб қилаверадилар” дейди ҳаракатнинг Канада бўлими фаоли Пирмуҳаммад Холмуҳаммад.

Ванкуверда бўлиб ўтган хотира пикетида, 1991 йилги Ўзбекистондаги президент сайловларида, Самарқанд

вилояти округ сайлов комиссияси таркибидаги ЭРК партияси вакили Муҳаммад Исломов ҳам иштирок этди.

“Андижон воқеаси содир бўлганида мен Россиянинг Подмосковьесиди эдим. Бизлар дарҳол тушунган нарсамиз шу бўлдики, Россия Каримовнинг бу жиноятдан кўз юмди. Уни сотмади. Қирғин ҳақидаги НТВ каналидаги кўрсатувлар олиб ташлангани ҳақида ўша пайтда эшитгандик. Бу воқеа халқимиз бағридаги бир битмас яра. Каримов жазосини олиши керак ва албатта олади” дейди хотира пикети иштирокчиси Муҳаммад Исломов.

ЎХХ Канададаги Бритиш Колумбия бўлими раиси Марат Насибуллиннинг хотира пикетидаги иштироки беназир бўлди. Чунки Марат пикетчилар олдида савол билан келганларга Андижон қирғини ҳақида гапириб бериб турди.

Унинг айтишича, ҳаракат фаоллари тез кунларда АҚШ президенти Барак Обамага мактуб йўллашмоқчи.

“Андижон қотили Ислам Каримов НАТОнинг Чикаго саммитига келади деган гаплар бор. Агар у ҳақиқатдан ўша анжуманга келадиган, биз АҚШ президентида у билан қўл олиб кўришмасликни сўраймиз” деди Марат Насибуллин.

ЎХХнинг Канада бўлими аъзолари мамлакатнинг турли шаҳарларида яшашгани боис, уларнинг кўпчилиги ушбу хотира пикетига етиб кела олишмади. Шундай бўлсада, Ванкуверлик оз сонли ЎХХ аъзолари Андижон қирғини ҳақидаги ҳақиқатни Ванкуверликлар ва шахар меҳмонларига етказиб бера олдилар.

Улуғбек Ҳайдаров.
ЎХХ Канада бўлими



ОБИД ҚОРИГА СУИҚАСД МАСАЛАСИДА ИККИ КИШИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Имомга суиқасд қилганлардан икки нафар эркак қўлга олинди 30 ёшлар чамасидаги икки нафар эркак стромсундлик имом Обидхон қори Назаровга нисбатан амалга оширилган суиқасдга ёрдам берганликда гумонланиб қўлга олинди.

Жанубий Швецияда ушланган шахслар Ўзбекистондан келишган. Айтиш жоизки, ўзбек имомига суиқасд бўйича олиб борилаётган текширув ишлари жараёнида бу воқеа янги бурилиш ясади.

“Бу шахсларнинг суиқасдга ёрдам берганлиги бўйича ҳақиқатга яқин сабаблар ва гумонлар мавжуд. Шунинг учун уларни қўлга олишга қарор қилдик.

Агар туман суди ҳам шу хулосага келса, биз суриштирув жараёнининг бир қисмига келган бўлиб чиқамиз”, – дейди тергов жараёни раҳбари Кристер Петтерссон (Kristen Petersson). Асосий жиноятчи эса ҳали ҳам озодликда юрипти.

–“Суиқасдни амалга оширган киши балки мамлакатни тарк этгандир. Биз буни ҳам ҳисобга олганмиз”, – дея давом этади Кристер Петтерссон.

Бугун (16 май), яъни чоршанба куни Кристер Петтерссон бу икки кишини ҳибсда сақлаш талабномасини киритди. Қўлга олинган бу икки гумондорни ҳибсга олиниши ҳужжатлари жума кунида расмийлаштирилиши кўзда тутилган.

Бошидан отилган Обидхон қори Назаровнинг аҳволи ҳали-ҳамон оғирлигича қолмоқда. У Остерсунд (Östersund) касалхонасида комада ётипти.

Шведчадан
Тўлқин Қореев таржимаси.

ТОШКЕНТДАН БОРГАН ДИНДОР ҚАРШИ ШАҲАР ИИВДА ЎЛДИРИЛДИ

Ўзбекистонда муслмон бўлмоқлик оғир бўлиб қолган. Ислон динига эътиқодда бўлган мамлакат фуқаролари тез-тез ё яққа тартибда, ёки оммавий қамоққа олиниб турмаларга юборилиб турилади. Уларга уйдирма айбларни кўйиш аксаридан муваффақиятли тугасада, аммо баъзида бўлғуси маҳкум жиноят содир қилганини тан олмайди. Шундай вақтда у калтаклар остида ўлади холос. Бошқа йўл йўқ! Шу йилнинг 11 май кунда, тахминан соат 15.00 да Қарши шаҳрида 1975 йилда туғилган фуқаро Тошев Рамиз вафот этганлиги ҳақида яқинларига хабар келди. У апрель ойи бошида Қарши шаҳар Ички ишлар бўлимига бир келиб кетиш учун чақиртирилганди. Рамиз машинасида бир аёлни салгина туртиб “юборгани” ҳақида ариза борлиги ва улар шуни текширмоқчи эканликлари унинг чақиртирилишига асос бўлган. Рамизнинг яқинлари таъкидлаётганларига кўра, у

Тошкентда яшар ва машина эҳтиёт қисмлари савдоси билан шуғулланарди. Тагин унинг бир “айби”, диндор муслмон эканлигидир. У бир неча йил олдин оиласи билан бирга Қарши шаҳридан Тошкентга кўчиб кетганди. Унинг яқинлари Қарши шаҳрининг Жамила Жумаева кўчасида яшашади. Тошкентда Рамизга нисбатан таъқиблар бошланаркан, улардан қочиб Қаршига қайтиб келганди. Аммо бу ерда ҳам тинчлик бўлмайди ва машинасида бир аёлни туртганлиги каби ёлгон баҳона билан Қарши шаҳар ИИБ чақиртирилади. Апрель ойи бошларида бўлган бу воқеада у ҳибсга олинади. Кейин эса Рамиз бировни машинасида туртиб юбормагани, балки Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 159, 244 моддаларида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги “аниқлашади”. Бир ой давомида қўлланилган қийноқлар натижасида у айбини

бўйнига олмай, Қарши шаҳар ИИБ сида жон таслим қилди. Унинг майитини ювганлар таъкидлаётганларига кўра, боши шишиб кетган, танаси кўкарган. Яқин қариндошларига эса ИИБ си Рамиз ўзини ўзи осганлигини билдиришган. Унинг жонсиз жасадини яқинлари ўликхонадан олиб келишади. Уйда бор йўғи уч соат сакланган мурда кечки соат 18 да қабрга қўйилган. Тошев Рамиз 37 ёшда эди ва уч нафар фарзанднинг отаси ҳам эди. Уни диний мотивларда айблamoқчи бўлишган, аммо у олдин намозхон йигит бўлган холос. Айни дамларда Тошев Рамизнинг яқинларига милиция томонидан таъзийқлар ўтказилмоқда ва уларга бирор жойга даъво қилмаслик қаттиқ уқтирилган. Милиция расмийларининг берган ваъдаларига кўра, улар Рамизнинг ўлими учун ўз ораларидан кимнидир жазолаб беришни ваъда қилишган.

Саркар Пўлатов

ТОЖИКИСТОНДА КАРИМОВ ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАР ПАЙДО БЎЛДИ

Тожикистонда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ва оиласи “жिनотларини фoш этувчи” “Дявол-2” (Шайтон-2) ва “Иуда-2” (Мунофиқ-2) номли китоблар тарқалмоқда.

Бу ҳақда мазкур китобларни ўзи кўрган Озодликнинг Душанбедаги мухбири Барот Юсуфий маълум қилди:

- Қарда нашр этилгани номаълум бўлган ушбу китоблар Тожикистонда ноқонуний тарзда одамларга тарқатилмоқда, дейди тожикистонлик журналист Юсуфий.

Китоб муковасида муаллиф номи келтирилмаган. Лекин китобдаги маълумотларнинг “Эрк” муҳолифат партияси, Ўзбекистон Халқ ҳаракати ва шу ҳаракат раҳбари, шоир Муҳаммад Солиҳга оид Интернет саҳифаларидан кўчириб олингани айтилган.

Китобнинг қанча тиражда чоп этилгани ва Тожикистонда қанчаси тарқатилгани ҳозирча номаълум. - Ҳар бири 100 саҳифадан иборат китобда Ўзбекистон раҳбари Каримов агрессор ва қаттол мустабид сифатида тилга олинади. У ва оиласи жиноятлари ҳақида сўз боради.

Китобда Саддам Хусайн, Қаддафий, Чаушеску каби диктаторлар қаторида Каримов сурати ҳам келтирилган.

Китобдаги маълумотлар Эрк партияси ва Муҳаммад Солиҳга оид сайтлардан олингани айтилган, дейди журналист Барот Юсуфий.

Муҳаммад Солиҳнинг ўзи Озодлик билан суҳбатда бундай китоб чоп этилганидан беҳабар эканини айтди.

- Балки бизга хайрихоҳ бўлган



одамлар тарафидан чиқарилган бўлиши мумкин. Каримовга қарши муҳолиф фикрда бўлганлар фақат биз эмас ва фақат Ўзбекистонда ҳам эмас. Каримов бир диктатор сифатида бутун Марказий Осиё халқлари учун ҳам севилмаган бир шахсга айланган, дейди Ўзбекистон Халқ ҳаракати раиси Муҳаммад Солиҳ.

Китобнинг рус тилида чоп этилгани ва у ерда тожик-ўзбек муносабатларига оид муаммоларнинг ҳам тилга олинганидан нашрнинг тожик ўқувчилари учун мўлжалланганини тахмин қилиш мумкин.

- Китоблар тўлалигича рус тилида. У ерда Тожикистон ҳақида, Роғун станцияси агрофидаги можаролар, чегара муаммоси, Ислон Каримов ўз ҳатти-ҳаракати ва сиёсати билан икки қардош миллатни ажратиб қўйгани таъкидланади, - дейди Озодликнинг Душанбедаги мухбири Барот Юсуфий. Аввалроқ, Интернетдаги YouTube порталида “Халқ фарёди ёки Иуда-2” (Иуда бу ерда Исо Пайғамбарни 30 пулга сотган Иуда Ҳавойига ишора

сифатида “мунофиқ” маъносида келади – таҳр) деб номланган филм ҳам пайдо бўлган эди. 54 дақиқалик филм муаллифлари Ўзбекистоннинг “отаси” Ислон Каримов оиласи давлатдан 13 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi пулни ўмаргани ҳақида хикоя қилади.

Муҳаммад Солиҳ бу филмга ҳам ўзи раҳбарлик қиладиган муҳолифат партиясининг алоқаси йўқлигини айтади.

- Бу филмни тайёрлаганларни ҳам биз билмаймиз, деди Солиҳ Озодлик билан суҳбатда.

“Халқ Фарёди” номли филм муҳолифатдаги Ўзбекистон Халқ ҳаракатининг баёнотларини ҳам чоп қилиб келадиган Туркистон ТВ мустақил видео портали томонидан ҳам эълон қилинган.

Қамоқхонада ўлдирилган маҳбуснинг аёли экани айтилган қаҳрамоннинг хикоясига асосланган “Халқ фарёди” филмида президент Каримов ва унинг ҳукуматиға қарши бир қатор жиддий айбловлар илгари сурилган.

Мен Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан ишланган “Ватангадо” филмини кўриб, чиқарган хулосаларим куйидагилардан иборат бўлди:

1. ЎХХ ташкил топган кундан бери ИАК режими бизга қарши курашга отланганди. Шу курашни натижаси ўлароқ ААТ Ҳаракатни тарк этди. Шу курашни таркибий қисми ўлароқ биродаримиз Фуад Шокирий ўлдирилди. Ва Обид Қорига суиқасд уюштирилди. Ва энди тазйиқ ўтказиш, ёмон отлик қилиниш навбати менга келибди. Менинг яқинларимга турли хил кўринишда тазйиқлар давом этаяпти. Ва энди навбатдаги “қурбон” лика мени таёрлашаётган бўлсалар, ажабмас.

2. Ўзбек режими томонидан ЎХХ асосий таҳдид ўлароқ қабул қилинган ва режим талвасага тушаяпти. Афтидан, бизнинг отаётган ўқларимиз нишонга тегаяпти шекилли, улар бу каби фильм ишлашга мажбур бўлишган. Бизга қарши pressuzinfo.uz (собиқ pressuz.info) каби сайтлар турли игво мақолалар чоп қилишарди. Энди эса бу курашга телевидение ҳам жалб қилинибди. Ва улар томонидан тухматларга тўла тутуриқсиз кинолар ишлана бошланди. Бу билан мени ва ЎХХни ўзбек халқига ёмон қилиб кўрсатиш мақсад қилинган. Натижа кандай бўлади, Аллох билади. Менинг фейсбукдаги саҳифамга мана шу хат келди.

(Исмни очикламадик)
Assalому aleykum Muhammadsolih aka bugun sizni O'zTVda nomingizni qoralab ko'rsatishdi lekin man va atrofidagilar sizni haq yo'lda ekanligingizga ishonamiz.
Akam man... (ўқиш жойини очикламадик) da o'qiyman. Jamiyatdagi xususan universitetdagi muhit manga yoqmasligi sababli tanish bilishchilikka qarshi chiqdim ammo aksariyat talaba do'stlarim mani qollamad
Manga nima maslahat berasiz qaysi pozitsiyada harakat qilay. Man O'z Xalq Xarakatiga qanday a'zo bo'lishim mumkin?

Демак бу кино акс таъсир кўрсата бошлаган!

3. Бу кино гарчи мени ёмонлашни мақсад қилган бўлса-да, аслида ўзлари истамаган ҳолда, менга баъзи яхшиликлар етказди. Чунки, баъзи бефаросатлар томонидан мени МХХга алоқадорликда айбланишга уринишлар бўлганди. Ва, алҳамдулиллох, МХХ киноси мени бу тухматдан халос қилди.

4. Яна шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, бутун бошли телерадиокомпания мени қоралашга етарли ҳуқуқий ашёвий далиллар топа олмаган. Жиддий бир айб тополмаган нотавонлар шу чаламулла билан укамни гапиртириб қўяқолишган холос.

У имомни гапларига раддиям;

а) Мен Ота-онамни кофир демаганман. (Аллох раҳматига олсин уларни,



“ВАТАНГАДО” ФИЛЬМИГА МУНОСАБАТ. М.АБУТОВ

чин юрагимдан хурмат қилганман, севганман).

б) Мен масжидда кечаси билан спорт билан шуғулланиб, бомдодга ухлаб қолмаганман.

в) Ақлимда нуқсоним кўриниб тургани йўқ.

г) Мен уни дарвозасини ёққан эмасман. (Лекин шу туфайли 8, 5 йил қамокда ўтирганман).

5. Мендан айб-нуқсон излашга ҳаракат қилишганида мен учун ажабланарли жойи йўқ. Аввало, мен ҳам фаришта эмасман, оддий инсонман. Айбу нуқсондан холи эмасман. Лекин менинг айбларимни далил-исботи учун турмадаги одамларни гапириши кифоя қилмайди. Уларни аҳволини тушуниш мумкин. Фазлиддин деган кимсани мен умримда кўрмаганман. Ва унга пул бермаганман. Булар оддий тухматлар. Қолаверса тухмат-бўхтонлар Пайғамбарларга ва улуғ зотларга ҳам ёғдирилган.

Менга нисбатан ҳам турли тухмат-бўхтонлар бўлиши бу менимча оддий ва табиий нарса.

6. Укамнинг гаплари қанчалик тўғрилиги эса унинг виждонига ҳавола. У қамокда ўтирибди. Ва менга қарши гапириш учунгина ушлаб турилибди холос. Унинг бирорта айби бўлмаса-да мен 2008 йили Россия турмасидан чиққанымдан кейин, уни олиб кетишган. 13 йилга қамашган. Ва у ҳеч қачон менга эргашган ёки менинг жамоатимдан бўлган эмас. Лекин намозхон эди.

7. Асосийси эса, ўзбек режими бизнинг чиқишларимизни, сайтларимизни муттасил кузатувда давом этаяпти. Эътибор бераяпдими, демак кўркаяпти. Ва кўрқишга мажбурдир. Биз бу зулм режимига қарши реал муҳолифатмиз. Ва уни кўрқиши бежиз эмас албатта. Сиёсий шарҳловчиси эса араб мамлакатларидаги халқ исёнларини гўёки ташқи “қора кучлар” табиий бойликларга эга бўлиши учун уюштираётганликда айблади. Кинога овоз берган муҳбир бола ҳам ўша “қора кучлар”ни Ўзбекистоннинг ютуқларини кўролмасликда айблади. Бу сийқаси чиққан гаплар ИАКдан

мерос олинган бўлиб, у доим ўз маърузаларида шунақа гаплар билан халқни алдаб келади. Ўзбекистонни кўролмайдиган ҳеч нарсаси йўқ. Инвесторларга келсак, албатта ўз фойдасини кўзлаб келишаяпти. Баъзилари эса бор-йўғидан айрилиб зўрга қочиб қоляпти холос.

8. Маҳалла фаоли бўлган кимса эса умуман биз тарафнинг одами эмас. Уни нимага бу кинода монолог ўқитишгани тушунарсиз. Демак менинг маҳалламдагилар мени қоралашга кўнишмаган. Кинони суратга олган кимсалар ўз исм-шарифларини ёзишмаган. Аслида эса улар бу кино учун барибир бўладиган масъулиятни зиммаларига олишдан кўрқишган.

9. Кинонинг номига келсак, “Ватангадо” дегани ватанга зор деган маънодаги сўзидир. Лекин бугунги ўзбек халқи Ватанида Гадодир. Хордир. Нон учун чет элларга чиқиб кетишга мажбурдир. “Ватан” тушунчаси географик ҳудуд билан чекланмайдиган кенг тушунчадир. Ва диний нуктаи назардан мўминнинг ватани жаннатдир. Дунёдаги барча жой Аллоҳнинг еридир. Баъзи жойларда халқи мусулмон бўлмасалар-да зулм йўқ. Адолат бор. Мусулмон диёрларида эса зулму-зўравонлик ҳукмрон. Бу оддий ҳақиқат. Зулмдан қочиш инсон зоти учун табиийдир. Тинчлик ватандан улуғдир. Зулмга қарши туриш вожибдир. Биз ватанни тарк этиб кетиш ниятимиз йўқ. Биз уни обод қилмоқчимиз. Ундаги зулмни тағ-томირи билан қурутмоқчимиз. Шу маънода бизлар ватанпарварлармиз. Сизлар ватанни вайронага айлантирган зolimларсиз!

10. Ғазал

*Мен ватанда гадо эдим,
бу юртларда гадомас,
Бу юртларда, юртдагидек,
юррак бағрим адомас.
Ватанимда маошимни
ололмасдим ишласам,
Бу ерда “ишсизлар” биздан афзал
десам, хатомас.
Мен инсоннинг қадрин билдим,
айнан келиб шу ерга,
Инсон зотин бари бир хил,
дейиш, билсам равомас.
Истар эдим юртимда ҳам,
голиб бўлса адолат,
Чунки, бошқа халқлар доим
биздек бахти қаромас.
Нега бизлар эркин, озод,
яшашиқдан маҳруммиз?,
Бошқа халқлар бизнинг каби,
ҳақ-ҳуқуқдан жудомас?!
Нега булар тўкин-сочин,
бизда битмас муаммо?
Булар, бизлар каби тинмай ишлаб,
жони фидомас?
Саҳвий қилур сиздан талаб,
келиб кўринг буларни,
Бари фароғатда яшар,
биздек рўйи сиёмас?!
М. Абутов.*

АЙДИН САЛИХ: ОТКЛИК НА ИНТЕРВЬЮ Е.УРЛАЕВОЙ

Прослушав репортаж Би-Би-Си, взятый у правозащитницы Елены Урлаевой, я решила прокомментировать некоторые моменты, касающиеся меня и моей семьи.

Я встретила с Еленой Урлаевой впервые и, увидев её простодушное, украинское лицо пострадавшей женщины, я попросила мужа, чтобы он поселил её не в отель, как он планировал, а разрешил остаться у нас в доме. Первое, что её поразило в нашем доме, как она выразилась, это идеальная чистота и идеальный покой.

Я сказала, что только в чистый дом может прийти покой. Только покой сначала приходит в сердце, а потом в дом. Елена поинтересовалась, при каких условиях приходит покой в сердце. Я ответила, что только с верой в Бога. Тогда, естественно, зашла речь о религиях. Не было заранее планированной беседы. Я рассказала ей о том, как я поняла, что не может быть религии без Книги, на примере переводных стихов моего мужа, известного поэта. Я в своё время видела, как приходили в восторг, читающие его стихи на узбекском и как отсутствовала какая-либо реакция на его переводные стихи. Потому что, в узбекских строфах присутствовала энергия его духа, а в переводных - энергия переводчика.

Но это же были стихи, слова всего лишь человека.

Что же будет с переводом аятов, Божественного Слова, смысл которых располагается на семи уровнях развития духа? Энергия аятов наполняет жизненной энергией жидкости тела (кровь и лимфатическую жидкость) читающего или слушающего их. Эта энергия структурирует воду жидкостей тела в совершенные кристаллы, заключает в кристаллы (кластеры) информацию о совершенном здоровье тела и духа (Читай "Фрактальные кластеры воды"). Здоровье же тела и духа ведёт к совершенному знанию. Всё это может случиться только и только с теми, кто читает единственную непередаваемую Книгу.

Имя этой книги – Коран. Религия – Ислам. Бог – Аллах. Посланник – Мухаммад. Путь – служение Аллаху. Нравственность – следование Посланнику. Служение Аллаху, значит исполнение его законов. Исполнение его законов – это единственное, что защитит тебя от всех мирских напастей. Вот примерно о чём я говорила моей собеседнице.

Есть ли в этом рассказе что-то предвзятое, преступное, безнравственное, ведущее к болезни или заблуждению? Вы скажете, что я здесь делаю призыв к Исламу.

Я была в заблуждении и обрела путь. Имела сведения о том о сём (которые только углубляли заблуждение) и обрела знание. Была больной и обрела здоровье. Была угнетаемой – стала свободной. Была несчастна и обрела счастье. Была одинокой, а теперь я имею большую, живущую в полном согласии, во взаимоуважении и счастье здоровую и красивую семью. Когда я сама нашла путь к счастью, как могу скрывать его от тех, кто находится в том положении, в котором когда-то была я сама? Мы всегда готовы поделиться всем, чем можем, а заодно и тем, как мы воспринимаем мир, со всеми, кто к нам приходит. Я не хочу рассуждать по поводу того, что говорит или будет говорить Елена или кто-то другой, потому что, я отвечаю только за то, что говорю я.

Хочу только напомнить Елене, что я "не водила её по мечетям". Мы пошли в храм св. Софии, который был когда-то самой большой церковью в мире, а теперь является музеем. Потом мне нужно было успеть к обеденной молитве, и я пошла в мечеть, а Елена зашла со мной, потому, что на улице было холодно. Потом мы бродили по старинным Стамбульским улицам и любовались старинными зданиями и лицами людей. "Какие спокойные и красивые лица" – всё восклицала Елена, - "а у наших злые, подозрительные".

Я рассказала, что мы, когда впервые приехали в Турцию, также восхищались лицами и отношениями между людьми,

как и она. И что узнавали своих соотечественников по тревожным лицам. Причину разницы поняли, когда наши лица осветились верой. Потом с Еленой зашли в обыкновенное кафе, куда ходят все туристы, согрелись, попили кофе, понаблюдали за группой молодых женщин из бывшего СССР с советской печатью тревоги во все лицо, с типичными советскими манерами и вернулись домой. На следующий день она уезжала. В день её отъезда я не могла оставить работу и встретила с ней за 15-20 минут до её отъезда в аэропорт, её уже ждал автомобиль.

Она сказала, что решила принять Ислам, но чувствует себя недостаточно чистой. Я сказала, что только внутренне чистые люди могут чувствовать свою нечистоту, грязные же - всегда уверены в своей чистоте. Но решение о религии принимается один раз в жизни, обдуманно, не на ходу. И что если она действительно хочет быть мусульманкой, то пусть научится намазу у узбекских мусульман в спокойной обстановке.

Вообще-то я подумала, что это был у неё просто порыв в смысле "вы мне понравились" или "я вам благодарна", но не решение. Поэтому я написала ей одну или две маленькие суры, что совершенно недостаточно, чтобы читать намаз.

К Исламу я никак не могла её вынуждать, так как по природе своей не могу требовать или попросить даже своих детей сделать что-нибудь. К тому же, принуждение к религии запрещено в Коране ("Нет принуждения в религии" Бакара:256). А я, к счастью, боюсь и не стану нарушать запреты Аллаха. Что касается поведения Елены по приезду в Ташкент, то судя по разосланной видеозаписи, конечно же, оно неадекватно не только поведению мусульманина, но и поведению просто психически здорового человека. Ясно видно психотропное (совместно с психотропным) воздействие, спланированное на дискредитацию личности самой Елены Урлаевой и семьи Мухаммада Салиха.



ЎХХГА ҚАРШИ ИҒВОЛАРНИНГ БОТИЛЛИГИ ЯНА БИР БОР ФОШ БЎЛДИ

Сўнги бир ярим ой мобайнида Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига қарши иғво ва бўҳтонлар кампанияси иғвогарлар учун шармандалик билан тугади. Ўзбекистонлик инсон ҳуқуқлари фаоли Елена Урлаева қирқ кунлик муолажа ортидан Тошкентдаги руҳий касалхонадан чиқди, ва УХХ ва унинг лидерига қарши қўйилаётган қатор айбловларни бутунлай рад этди. Е.Урлаева М.Солиҳни мутлақо айбламаслигини, аксинча, унга ва оиласига миннатдор эканини айтди. Қуйида биз Е.Урлаеванинг ВВС радиоси ўзбек хизматида берган суҳбатини қисқартириб келтирамиз:

Урлаева: Биласизми, март ойларида мен қаттиқ асабий стрессни сеза бошлагандим. Асабларим жуда чарчаганди. Чунки махсус хизматлар ва милиция деярли ҳар куни менинг хонадонимга бостириб кирарди, чунки мен ўз уйимда фуқароларни, мусулмонларни қабул қилардим. Мана шу воқеалар менинг руҳий соғлигимга таъсир қилди. Мен мартда халқаро ҳамжамиятдан ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Бу менинг SOS ишорам эди. Менинг мурожаатларимга биринчи бўлиб Туркиядан Муҳаммад Солиҳ жавоб берди.

Мен бунинг учун ундан жуда миннатдорман...

Туркиядан қайтганимдан кейин, ҳақиқатдан ҳам, ўзимни ғалати ҳис қила бошладим, буни учоқда ҳам сездим. Мен тўхтамай Аллоху Акбар деб хитоб қилардим, Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим дердим, сураларни ўқирдим. Учоқда ҳам бир манқуртдек учиб келдим. Туркиядан қайтгач, одамлар айтишича, менда телбалик авж олаётгандек бўлди. Мусулмонлар тозаликни афзал кўрадилар дегани учун, мен ҳамма нарсани улоқтира бошладим. Қуръондан бошқа ҳеч нима бўлмаслиги керак, телевизор, китоблар дегандек... Менга бу гапларни яхшилик қилиб айтишган, мен эса бутун дунёни нотўғри дея қабул қила бошладим...

Би-би-си: Сиз ўзингизга қандайдир гиёҳлар берилганини айтиб шикоят қилган экансиз. Шу тўғрими?

Урлаева: Ҳа, бу тўғри. Лекин, биласизми, очигини айтман, мен Муҳаммад Солиҳ ёки унинг аёли кимлигини билмасдим. Муҳолифатчи эканини билардим, холос. Учиб борганимда, Ойдин менга табиб эканини айтди. Бу ҳақиқат эканига

ўзим гувоҳ бўлдим, чунки унинг олдига одамлар келишарди, гиёҳлар билан даволаниб, раҳматлар айтаётганларини кўрдим. У халқ табиби. У менга буйрақларим касал эканини айтди. Тўғри, буйрақларим ва юрагим касал дедим. У кейин менга ер рангидаги кукун дори солинган тўртта идиш дори берди... Шундай ўзаро ишонч билан ҳайрлашдик. Бу одамлар менга жуда ёқди, энди бу ерда ўтириб “Муҳаммад Солиҳ ва хотини шундай ёмон одамлар экан” демоқчи

эмасман ҳеч ҳам. Улар менга жуда ёқишди. Улар ҳақиқатдан ҳам афтидан тоза одамлар, лекин бу менга унча тўғри келмагандир...

Би-би-си: Сиз Ўзбекистон махсус хизматлари билан учрашдингизми? Яъни улар сизнинг Туркияга сафарингиз борасида билишни истадиларми?

Урлаева: Ҳа, буни сездим. Лекин, улар ўзларини махсус хизматлар деб таништирадилар. Касалхонага тушганимнинг эртаси шифокорлар мен қақиртириб, ҳолимни сўрадилар. Ийғиндаги ҳаммани руҳий шифокорлар дейишди, лекин менга яққол намоён бўлган нарса, баъзилари костюм-шимлардаги махсус хизматлар ходимлари эди. Улар менга тиббиётга алоқаси бўлмаган, сиёсий руҳдаги саволларни беришди, “Туркияда ким билан учрашдингиз, бунинг халқаро террорчиликка алоқаси борми, Исломни қандай қабул қилдингиз?” қабилдаги саволларни сўрашди. Яширинча ёзув аппаратларини ҳам кўрдим, ёзиб олишаётганди. Мен билганимча жавоб бердим. Сизганим шуки, электрон почтадаги тафсилотларни улар билиб олишгани, ва ўша тафсилотларга алоқаси бор саволларни беришарди...

Би-би-си: Демак, сиз руҳий касалхонага тушиб қолишингиз учун Муҳаммад Солиҳ ва унинг рафиқасини айбламайсиз, шундайми?

Урлаева: Йўқ, мутлақо айбламайман... Лекин, мен Муҳаммад Солиҳнинг ақлига, унинг нақадар фаол муҳолифатчи эканига қойил қолдим. Мен бундай одамлар билан танишганимдан жуда хурсандман.

ХАЗОНЛАР ҚОЛДИ

Ўтаяпди умр шитоб билан тез,
Ортимизда ажиб бир онлар қолди.
Ўтмишимга назар солганда ногоҳ,
Юрагим лол бўлиб, хайронлар қолди.
Ўтди ёшлик, ўтди йигитлик дамлар,
Тушди бошимизга ҳар турли ғамлар,
Энди юрагимда-битмас аламлар,
Умид гулларида, хазонлар қолди.
Манзилга интилар, умр қарвони,
Ким етди мақсадга, ким излар они?,
Ҳақ йўлдан адашмоқ, бу энг ёмони,
Қанчалар адашди, сарсонлар қолди?.
Савол қилиб кўрсак, ўз-ўзимиздан,
Тонаяпмиз энди, ўз сўзимиздан,
Демакки, адашдик, айб ўтди биздан,
Дилимизда шубҳа-гумонлар қолди.
Қани ўша даъво, қани шу журъат?,
Келмади бизларга қутилган нусрат,
Нима бўлди бугун, охир оқибат?,
Ортимизда шунча, қурбонлар қолди?
Мен яшаб кўрган бу давр-замондан,
Барча одам, яхшисию-ёмондан,
Умид, мақсад, хато, қийнаган жондан,
Дилда хотиралар, армонлар қолди!!!

Уйғон!

Зулмат ўраб келса юртни,
Нима деймиз, бу ҳам қисмат.
Кошки, халқнинг пешволари,
Бўлса эди, олий ҳиммат.

Зўр бўлсақда, қул бўлсақда,
Юқалсақда, эзилсақда,
Не келса, тақдир билсақда,
Лозимдир, номус-ор, журъат!

Инсонийлик тимсоли шу,
Адолатнинг меъёри шу,
Қара, Сенинг ахволинг шу,
Эй, шўри қуриган Миллат!

Еринг қаттиқ, узоқ осмон,
Аросатда сақларсан жон.
Уйғон, бу уйқудан уйғон!,
Агар сен истасанг, иззат!

.....

Қачон?

Ҳамма бугунини ўйласа,
Келажакни ўйлаймиз қачон?!

Ҳамма шодлик куйин куйласа,
Халқ дардини куйлаймиз қачон?!

Яшаш керак, токи ҳаётсиз,
Учолмайди кушлар қанотсиз,
Ожизу нотавон, хайхот, Сиз,
Осмонларни бўйлаймиз, қачон?!

Халқ жўш урса, бир муддат келиб,
Эрк талаб қилса, журъат келиб,
Зулм тугаб, хуррият келиб,
Озодликни “тўй”лаймиз, қачон?!

Шаҳид кетганлар лоши учун,
Мазлумларнинг, бардоши учун,
Етимларнинг кўз ёши учун,
Ҳақиқатни сўйлаймиз, қачон?!

М. Абутов.

РИЗҚНИ КЎПАЙТИРУВЧИ ВА КАМАЙТИРУВЧИ АМАЛЛАР

Бисмиллохир роҳманир роҳийм!

Пайгамбар салаллоху алайҳи васаллам буюрганлар: «Ризқни садақа билан (осмондан) туширинглар!» Яъни мухтожларга садақа ва эҳсон қилиш ризқу рўзининг зиёда ва фаровон бўлишига боис бўлади.

Эрта тонгда турмоқлик баракали ва хайрли бўлиб, тан-сиҳатлик, яхши кайфият мол-авлод, ризқу-рўз, илму амал ва бошқа неъматларнинг зиёда бўлишига сабаб бўлади. Масалан: қўй йилига битта бола туғади ва қанча кўп сўйилса ҳам, тонгда бедор бўлгани учун ниҳоятда кўпдир. Ит эса йилига тўрттадан тўққизтагача туғади, боз устига қўй каби сўйилмайди, тонг пайтида ухлаб қолиши учун баракотдан маҳрум бўлиб, кўпайиб кетмайди..

*Субҳаз хоб шудан бедор,
Баракат ро биёварад бисёр.
дар жамеи ниам дихад баракат,
Бар сари кас биёварад раҳмат*

яъни:

*Тонг чоғи уйқудун бўлмоқ ҳам
бедор,
Инсонга баракат келтирур бисёр.
Барча неъматларга берур
баракат,
Кишининг бошига келтирур
раҳмат.*

Хусни хат, очиқ юзлилик, ширинсуханлик, хушхулқлик – ризқнинг зиёда ва фаровон бўлишига боисдир.

Ҳасан ибн Али розиоллоху анҳу дебдирлар: «Канс ул-фино ва асл-ул-ино мажлабатун лил-гано». Яъни уй-ҳовли, кўча атрофларини супурмоқ, қозон-товоқ ва идишларни ювмоқ, хуллас, поклик, озодалик файзу баракага, мол-давлат кўпайишига сабаб бўлади. Албатта тозалик исломнинг асли ва иймоннинг бир жуъзи бўлиб, аслида жомаю бадандан бошланади:

Боши билан шўнғиб кирмаса од ҳар дам,
Сув остидан дурни топурми одам?

Ҳадис шарифда **«Ислом тозалик ва покликка бино қилингандир»**, деб зикр қилинган:

*Руфтани руи хонаву дару бом,
Шустанни коасву та бак зи таом,
Ризқро пур кунад гано орад,
Оқил инхо зи даст нағзорад*

яъни:

*Уйни-ю ҳовлини доим супурмоқ,
Таомдан сўнг қоса-товоқ ювмоқ,
Ризқни тўлдирур, келтирар
бойлик,
Оқиллар бу ишни қилар чиройлик.*

Ризқу рўзининг кўп ва фаровон бўлишига яна яхшироқ бир сабаб, намозни одоб ва ҳурмат, хокисорлик ва шикастлик билан ҳамда унинг қиём, қироат, рукуъ ва суждини ўз ўрнига қўйиб адо этмоқдир.

Хузуъу, хушъ билан қилмоқ намоз, Ризқнинг сабабидан бўлур, эй дамсоз!

Иброҳим Наҳаъий раҳматуллоҳ дебдирлар: Биров намознинг рукуъ ва суждини енгил адо этишини кўрсангиз, бас, унинг аҳли аёлининг ризқи танглигига раҳм қилинг... Зеро, намозни шошилиб ўқимоқ ва унинг рукуъ ва суждини енгил адо этмоқ ризқнинг кам бўлишига асосий сабаблардан биридир. Азондан масжидга бориш, таҳоратли юриш, бомдод суннатини ва витр намозини уйда ўқиш, витрдан сўнг дунё сўзидан гапирмаслик ҳам ризқни фаровон қилади. Ҳадисда келтирилиб: Бомдод намозининг суннати уйда ўқиган кишининг ризқи мўл, у билан аёли орасида жанжал-можаро кам бўлади ва дунёдан иймон билан кетади»...

Пайгамбар алайҳиссаломга кўпроқ саловат юбормоқ, ихлос ва эътиқод билан ЛО ВА ЛО УВВАТА ИЛЛО БИЛЛОХИ АЛИИЙИЛ АЗИИМ» калимасини такоррлаш, тонг отгандан сўнг юз маротаба СУВХОНАЛЛОХИ ВА БИХАМДИХИ ВА АСТАРФИРУЛЛОХА ВА АТУБУ ИЛАИХ» демоқ ва ҳар кеча «Воқеа, «Ёсин» ва «Мулк» «Таборақ» сураларини ўқимоқ ҳам бандага ризқ келтиради.

Ривоят қиладиларки, «Расулulloҳ» (с.а.в.) дедилар:

«Меърож кечаси Аллоҳ таоло менга беш нарсани васият этди: биринчиси – кўнглингни бойликка-дунёга берма, сени бойлик учун яратган эмасман, иккинчиси – сени дўст тутишим учун муҳаббатинг фақат менга бўлсин, учинчиси – Жаннат истаги билан яша, тўртинчиси – халқдан таъма этма, чунки ҳеч нарсанинг иштиёри улар қўлида эмас, -бешинчиси- таҳажжудни мунтазам адо эт, чунки ёрдамнинг яхшиси тун ярмидадир»... (Шариъат ул-ислом).

Ҳаж (Каъба зиёрати) ва сафар қилмоқ ҳадисда зикр қилингандек, кишини соғлом ва давлатманд қилади.

Сукут қилишлик, беҳуда ва лағв сўзларни айтмаслик, инсонни фитна-ю балолардан омон



қолдириб, ризқни ҳам кўпайтиради: Беҳуда сўз айтмай, сақламоқ сукут, Ризқни кўпайтирар, ортар кўру кут.

Ризқни камайтирунчи амалларга келсак, Расули ақрам саллаллоху алайҳи васаллам дебдилар: «Қайтармайди қазо ва қадарни, магар дуо, узоқ қилмайди умрни, яхшилик ва эҳсон. Бас, албатта, инсон гуноҳ сабабидан ризқдан маҳрум бўлади»...

Мазкур ҳадисдан бизга маълум бўлдики, инсон гуноҳ сабабидан ҳам ризқдан маҳрум бўлар экан. Хусусан, ёлғон гапириш ки гуноҳларни бошидир. Камбағаллик ва фақирлик шундан келиб чиқади. Алалхусус, аҳли тижорат ёлғон сўзлашлари сабабли касбларидан баракот кўтарилиб, фақир ухор бўлишларига сабаб бўлади. Тонг пайтидаги уйқу, кўп ухлаш ҳам ризқ ва илмнинг камайишига сабаб бўлади. Шунингдек, яланғоч ётмоқ, ёки ялонғоч бавл қилмоқ, ёинки таҳорат синдирмоқ, ёнбошлаб ёки жанобат ҳолатида таом емоқ, нон ва таом ушоқларини хор тутмоқ, пиёз ва саримсоқ пустини куйдирмоқ, кечасида латта ва супирги билан уй супирмоқ, супурилган йиғиндиларни уйда қолдирмоқ, йўлда қариялар ва улардан олдин юрмоқ, ота-онани номлари билан чақирмоқ, турли чўплар билан тиш ковламоқ, тупроқ ёки лой билан кўл ювмоқ, остонага ўтирмоқ, хожатхонада таҳорат олмоқ, ўтирмоқ, кийимни баданда тикмоқ, жома, этак билан юз артмоқ, ўргамчак тўрларини уйдан олмаслик, намозда суствлик қилмоқ, бомдод номозидан сўнг масжиддан тез чиқмоқ, барвақт бозорга бориб, кеч қайтмоқ, гадолардан нон сотиб олмоқ, сув ва таом идишларини оғзини ёпмаслик, чироқни пуфлаб ўчирмоқ (чироқни пастлатиб ўчирмоқ лозим), синган қалам билан ёзмақ, бошқаларнинг тароғи ёки синган тароқ билан соч тараш, ота-она ҳақида яхши дуо қилмаслик, ўтириб салла боғламоқ, шимни тик туриб киймоқ, булар барчаси ризқни камайтирадиган амаллардан саналади.

(Давоми 11-бетда)

Обид қори Назаров Швецияда, ўз уйи олдида отиб кетилганига сал кам уч ой бўлаяпти. Аммо на қотил, на буюртмачилар топилмаяпти. Қотиллик юзасида швед матбуоти ҳам ибр қатор мақолалар ёритмоқда. Куйида 12 май куни Östersund Posten газетасида эълон қилинган мақолалардан бирининг ўзбекча таржимасини келтирамыз.

Полиция ўз жойидан қўзғалгунича, жиноят жойидан қон излари тозаланди

Шу йилнинг қиш фаслида ўзбек имоми Обидхон қори Назаров яшаб турган уйи ташқарисида отиб кетилди. ва Стромсунднинг Тингвалла (Tingvalla) мавзесини кўркинч тўлкинлари камраб олди. ОР (Östersund Posten) бу воқеадан сўнг кўп кишилар билан мулоқотда бўлди. Уларнинг ҳикоялари ва полициянинг жамоатчиликка ошқор қилгани маълумотларни тинглар экансиз, Струмсунддек сокин жойда бу халқаро террор қандай юз бергани ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Февралнинг бошларида шарқий Европадан учиб келган самолёт Швеция аэропортларидан бирига кўнади. Йўловчилардан бири махсус топшириққа эга. У божхона назоратидан ўтгач, бир автомашина ижарага олиб, Е4 автомагистралда ўзига белгиланган йўналиш бўйича шимол томон ҳаракатланади. Бир кундан кейин у Стромсундга бориб, Тингваллага бурилади. Бу ҳудудда, Лагман (Lagmansgatan) кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи Обид қори Назаров яшарди. Бу номаълум шахс ўзига юкланган топшириқни бажаришга киришади. У яширин ҳаракат қилади, аммо ўлим таҳдидлари ва таъйиқлардан қочган ўзбеклар бунга эътибор беришади. Улар шведлар кўра олмаётган аломатларни кўра олишганди. Бу одамни кейинги ҳафталарда қишлоқнинг турли гўшаларида кўриш мумкин бўлади. У бир кун ижарага олинган машинаси билан Ваттудал (Vattudalsskolan) мактабининг автопаркида пайдо бўлди ва ўзини газета ўқиётгандек кўрсатиб, атрофга олазарак аланларди. Бу пайт Обидхон Назаров мактабда ўқитувчилик учун практик машғулотларида эди. Бошқа куни у Лагман кўчаси атрофида айланиб юрди. ”

ҚОТИЛНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ БОР



У оёғини чалиштириб, узоқ вақт боғда ўтирар ва атрофга қарарди. Бу ғайриоддий ҳол эди”. Бир неча гувоҳлар машина русуми ва бу одамнинг юз тузилишини эслайди: ”Европалик, аммо швед эмас, болтиқбўйлик бўлиши мумкин”, – деган гумонга боради улар. Ўзбеклар ўзларининг кузатувларини бир-бирлари билан ўртоқлашадилар, аммо полицияга мурожаат этмайдилар. ”Умуман олиб қараганда, мен уни жудаям ажиб одам экан деган қарорга келдим”, – дейди ўзбеклардан бири. Энди у кўрган нарсаларига қўл силтагани учун ўзини ўзи лаънатлайди. “Биз гафлатда қолдик. Бепарво бўлиб қолган эканмиз. Ўзбекистонда биз жуда сергак эдик. Швецияда бунақа ходиса рўй беради деб ҳеч ҳам ўйламаган эдик”. Аммо Обид қори Назаров ҳатто Стромсундда ҳам ўзини хавфсиз деб ҳис қилгани йўқ. ”У камдан-кам ҳолда ёлғиз ўзи ташқарига чиқар эди”, – дейди унинг яқинларидан бири. Назаров 1990 йилларнинг охиридан бошлаб қочқинликда яшарди. Ўтган йилнинг куз фаслида унга ва бошқа режим танқидчиларига таҳдид кучайгани маълум бўлди. Чунки муҳожиротда яшаётган ўзбеклар ягона муҳолиф ҳаракатда бирлашаётганди. Сентябрда Россияда Ҳаракат фаолларидан бири уйи олдида ўлдириб кетилди. Барча гумонлар ўзбек миллий хавфсизлик хизматига қаратилди. Назаров ҳаёти хавф остида эканини ҳис қилиши лозим эди. Унинг дўстларига кўра, сўнгги пайтларда у ҳам алдамчи хавфсизликка ишониб қолган эди. “Охириги пайтларда у киши ёлғиз ташқарида юрадиган бўлиб қолди”, – дейди унинг дўстлардан бири. Обид қори Назаров 22 февраль кунининг ўртасида масжидга боришга шайланди.

У пешин намозига имомлик қилиш учун кийиладиган бош кийимини кияётган пайт жиноятчи уни поезд зинапоясига кутаётганди. Аниқроғи, қоронғу ва тор ертўлага борадиган зинапояда ертўла йўлагига ўтиладиган темир эшиги ёнида эди у. Назаров уйининг эшигини ёпиб зиналардан тушиб кетаётган пайтда жиноятчи уни орқа томондан отади. Қуролнинг товуш пасайтирадиган мосламаси бор эди ва қуллоққа фақат гурс этиб биров зинада йиқилгандек овоз эшитилади. Жиноятчи ертўладан чошиб ўтиб, ўша уйнинг бошқа эшиги орқали ташқарига чиқади. У қадамни секинлаштириб, елкасидаги рюкзagini қуроли билан биргаликда ташлайди ва машинасига ўтириб, ҳудудни тарқ этади. Бу орада одамлар подъездга киришади. Улар ерда қонга беланиб ётган ва бошининг орқасида кучли қон оқаётган Назаровга дуч келишади. Социал ишчилари у кишини йиқилиб бошини зиналарга ёки уйларни исситиш мосламасига уриб олган деб ўйлашади ва биринчи ёрдам кўрсатиб тез ёрдамга хабар қилишади. Зеро купа-кундузи унга ҳужум қилинганлиги ҳақиқатга мос келмаётганди ҳам.

Назаровнинг ватандошлари нима бўлганлигини дарҳол пайқайдилар. Улардан бири ҳикоя қилади: “У кишини биринчи кўрган болакай “кўп қон кетаяпти” деб бақирди. Мен борган заҳотиёқ нима воқеа рўй берганини тушуниб етдим. У ерда жуда кўп қон кетганди, кимдир уни ўлдиришга ҳаракат қилган”. У кўчанин бошқа томонидаги полиция бўлимига югуриб боради: “Биз полицияга воқеа юзасидан яна маълумот бердик ва гумонларимизни ҳам билдириб ўтдик. Улар биз айтган гапларни бир қоғозда ёзиб олишди. Кейин ташқарига чикдик”. Бу маълумотларни полиция қанчалик текширди, бу албатта номаълум. Аммо, агар бошқа томондан қарайдиган бўлсак, улар бир кексароқ эркакнинг зинапоялардан тушиши каби бахтсиз ҳодиса деган маълумот олган бўлса, улар шу билан кифояланишди. Вақт ўтиб борарди. 30 минут, 45 минут, бир соат.

(Давоми кейинги бетда)

РИЗҚНИ КЎПАЙТИРУВЧИ ВА КАМАЙТИРУВЧИ АМАЛЛАР

(Давоми: Боши 9-бетда)

Ҳазрати Али қаррамаллоу
важҳаҳуга бироз ранж етганда:
қўйлар орасидан ҳеч ҳам кесиб
ўтмадим, қалам қириндисини босиб
ўтмадим, чалнаримни ҳам тик
туриб киймадим, бас, бу дард менга
қаердан тегди?» дер эканлар.

Аҳли оила нафақасига танглик
қаттиқлик қилмоқ, исроф қилмоқ ва
ишларга бўлмоқ каби ишлар ҳам
ризиқ-рўзни камайтириб, камбағал
ва бенаво бўлишига боис бўлади.
Бу хусусда «ОДОБ УЛ – МУБИИН»
китобида айтилади:

Юзни енгинг билан этак-ла ёки,
Артмагил фақирлик босмасин
токи,
Ўрғамчак инини олмасанг бешак,
Қашшоқлик келтирур тўрли
ўрғамчак.
Нафасла чироқни пуфлаб ўчирмоқ,
Одат қилмоқ ёлғон сўзлар
тўқурни,
Фарзандлар ҳақиқа бад дуо қилмоқ,
Ҳам ризиқ кетказар, ҳам юздан
нурни.
Устоз хурматини яна кам қилмоқ,
Зиёнла зига ҳам ситам қилмоқ,
Қалам “қириндисин хор қилмоқ
мудом,
Кулни ювмай туриб емоқлик таом.
Эхтиром қилмаслик ота-онага,
Саломни кам айтмоқ дўст-
беғонага.
Тирноқни тиш бирла олмоқ
беғумон,

Қашшоқлик ва ғамни келтирар
чандон
Кўйлар орасидан кесиб ўтмагил,
Узингни бенаво, абгор этмагил
Пиёз, тухум ҳамда саримсоқ
пўстин,
Хор қилса, ул фақир бўлғай эй
дўстим!
Ёпиқсиз қолса гар сувлик идишлар,
Қашшоқлик купаюр эй аҳли хушлар.
Қўлларни бармоғин бир-бирига
зинкор,
Чалиштирма, йўқса бўлеунг фақир
зор.
Кўлинг остидагин хор қилсанг
албат,
Аллох дўстларини қилмасанг
иззат,
Айниқса илм аҳлинг этсанг агар
хор,
Қашшоқлик ва хорлиқ келгайдир
бисёр.
Разил, нокасларга пул ва мол
берсанг,
Жохил, нодонларга хайрлар
қилсанг
Агар чалиштириб ўтирсанг оёқ,
Халолдан сўзласанг, жим турмай
бирок,
Оёқнинг ўнг қўлда ювса хар инсон,
Ризиқ давлатига етгайдир нуқсон.
Ривоят қилурларки, бир киши
Расулulloх (с.а.в.) хузурларига
келиб қашшоқлигидан шикоят
қилди. Расулulloх (с.а.в.) унга: хар
қачон ўз манзилингга кирганингда
Ихлос» сурасини ўқигин», – деб
таълим бердилар. У Пайғамбар

(с.а.в) нинг айтганларига амал
қилган эди. Аллох субхону таборак
ва таоло ризиқ эшикларини унга
очди.
Вахб бин Мунаббах (р.а.) дан
шундай ривоят қилинади: ...
агар Харис (очкўз) бутун дунё
бойликларини қўлга киритганда
ҳам фақирлигича қолади, итоаткор-
агар у бировнинг қули бўлганида
ҳам итоатлидир, қаноатли шахс
– агарчи оч бўлса ҳам бой ва тўқ
хисобланади...»
Донишманд Хамиди Лаффор
шундай дейди: «Биз тўрт нарсани,
тўрт нарсдан топишни истадик,
аммо хато қилдик ва ўша тўрт
нарсани бошқа тўрт нарсдан
топдик. Масалан: биз бой бўлиш
учун мол-дунё тўплашга ҳаракат
қилдик, аммо уни сабр-қаноатда
топдик. Роҳатни бойликдан
қидирдик, лекин уни мол дунё
озлигида топдик. Лаззатни
неъматдан изладик, аммо уни
сихат-саломатликда топдик. Ризиқ-
рўзни ер юзидан изладик, аммо
уни осмондан топдик, яъни ҳақ
субхонаху ва таоло қор-ёмғирни
бермаса ердан ҳеч нарса униб
чиқмайди.
Гар ризиқ-рўзи учун минг югурсанг
ҳам,
Насибангдан на бўлар ортиғу, на
кам

**Абдуқодир Нурмухаммад ўғли
Сатторов**

“Малхам” табобати маркази
рахбари, халқ табиби.

ҚОТИЛНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИ БОР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Бу вақт ичида воқеа гувоҳлари
бу бир бахтсиз ҳодиса деб
ўйлайдилар. Чиройли калибрлик
қуролдан отилдан ўқ жойи
қулоқнинг ортидан кўринмасди.
Ҳеч ким ҳақиқатда нима
бўлганлигини тушуниб етмасди.
Лагман кўчасидаги бу жой жиноят
жойи сифатида кўриб чиқилмайди.
Подъезд тўсиб олинмайди.
Жиноятчининг изи кўпгина
одамларнинг бу ерга кириб
чиқиши натижасида йўқ бўлиб
кетди. Ердаги қонлар қирилиб,
спирт билан тозаланади.

Аммо тўсатдан воқеалар, тўлиғича
бошқача тус ола бошлайди.
Ўзбеклардан бири уйнинг
ёнидаги машина тўхташ жойидан
рюкзак ва қурол топиб олганди.
Энди полиция ходимлари ҳам
воқеани тушуниб етгандилар.
Улар полиция бўлимида ўзбеклар
томонидан берилган маълумот
ва бу топилган қурол, буларнинг
ҳаммасини бирлаштириб, бу ерда

жуда ҳам жиддий жиноят содир
этиланлигига амин бўлади-лар.
Улар энди имомга биров
томонидан суиқасд қилинган деган
версия бўйича иш бошладилар.
Воқеадан икки соат ўтган бўлса
ҳам, Назаровнинг отилганлиги
ҳақида тиббиёт ходимлари
томонидан тасдиқловчи хабар
келмайди. Соат 13.40 да полиция
бир сайтда кичик бир хабар
қўяди, унинг маъносидан
иккиланиш нафаси сезилиб
турарди. Хабарда “жароҳат олган
бир киши” ҳақида, “жароҳат
тўғрисидагиноаниқлик ҳолати” ва
воқеага яқин жойда “револьверга
ўхшаган предмет” топилганлиги
ҳақида гап борарди.
Тингвалланинг катта қисми
тўсилиб, ўраб олинади. Ҳодиса
жойига техниклар чақиртирилиб,
ўша атрофда яшовчиларнинг
уйига бирма-бир кириб чиқилади.
Аммо бу тўсиқ деворлари ва ўраб
олинишлардан фойда йўқ эди.
Жиноятчи бир соат олдин қочиб
улгурганди.

Бундан кейин нима бўлди, буни
фақат полиция билади. Икки
ярим ойдан бери интенсив
равишда текширув ишлари олиб
бормоқда. Полиция Стромсунд
мавзеида ўрнатилган кузатув
камераларининг тасвирлари,
автомобилга ёқилғи қуйиш
шоҳобчалари ва жиноятчининг
қочиб кетиш эҳтимоли бўлган
жойлар тасвирини тўплади.
Шу билан бирга гувоҳлардан
ҳодиса ҳақидаги 300 дан ортиқ
маълумотлар йиғиб олинди ва
тергов қилинди.
Охирги маълумотларга қараганда,
Назаров ҳали ҳам Остерсунд
касалхонасида кома ҳолатида
ётибди.

Назаровнинг тарафдорлари бир
фикрда собитдилар: Уларнинг
рахбари ўзбек миллий хавфсизлик
хизмати томонидан юборилган
ёлланма қотил томонидан отилган!

**Швед тилидан
Тўлқин Қораев таржимаси**

“Хюман Райтс Вотч” инсон ҳуқуқлари ташкилоти Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг аянчли аҳволи манзарасида Кўшма Штатлар ва Оврўпо Иттифоқини президент Каримов ҳукумати билан муносабатларини қайта кўриб чиқишга чақирган.

Андижон хунрезлигининг 7 йиллиги арафасида чиқарган баёнотида ташкилот АҚШ ва Оврўпо Иттифоқи хануз Андижон қирғини учун Ўзбекистон ҳукуматидан ҳисоб сўрамаётганидан таассуф билдирган. Ташкилотнинг Ўзбекистон бўйича тадқиқотчиси Стив Свездлоунинг Би-би-сига айтишича, президент Каримов бошчилигида Андижондаги қирғин учун масъул ўзбек мулозимларини жавобгарликка тортиш учун далиллар етарлидир.

“Бирлашган Миллатларнинг Қийноқлар бўйича собиқ маърузачиси Тео Ван Бовен яқинда Берлинда ўтган анжуманда президент Каримовни Андижонда содир этилган қотилликлар ва қийноқлар учун инсониятга қарши жиноятда айблаб, маҳкамага тортишга етарли ҳуқуқий асос ва далиллар мавжуд, деб ўйлашини айтди. Ўзбекистон тоталитар давлат ва барча қарорлар президент Каримов томонидан қабул қилинади. Шунинг учун ҳам, Андижондаги қирғин учун асосий жавобгар президент Каримовдир”, – дейди Стив Свездлоу.

2006 йилда Олмония Федерал прокурори ўша пайтда Олмонияга даволаниш учун борган Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазири Зокиржон Алматовга қарши жиноят иши очишдан бош торган.

Андижондаги қирғиннинг номи ошқор этилмаган 8 нафар қурбонлари олмон расмийларидан жаноб Алматовни ҳибсга олишни сўраган эдилар.

Аммо олмон прокурори Ўзбекистоннинг собиқ Ички ишлар вазини ҳибсга олиш учун етарли далиллар йўқлигини айтган. Стив Свездлоуга кўра, бу Оврўпо ҳукуматлари учун бир синов бўлган эди.

“Алматовнинг иши жуда муҳим эди. Ёдингизда бўлса, Андижон воқеаларидан кўп ўтмай, Оврўпо Иттифоқи бу воқеалар учун масъул, деб кўрилган 12 нафар Ўзбекистон ҳукумати мулозимларининг Оврўпога киришига тақиқ қўйган эди. Бу рўйхатнинг бошидаги одамлардан бири Ички ишлар вазири Зокиржон

ОВРЎПО ИТТИФОҚИ ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИГА ХИЁНАТ ҚИЛДИ (ВВС)



Алматов эди. Унинг жазо чоралари киритилиши биланоқ Олмонияга таширф буюриши олмон ҳукумати Андижон воқеалари борасида эгаллаган заиф мавқеъни кўрсатди. Жаноб Алматовни ҳибсга олишни сўраганлар Андижондаги намойишлардан сўнг қийноққа тутилган андижонликлар эди. Улар Алматовни инсониятга қарши жиноятларда айблаганлар. Аммо олмон прокурори Алматов Олмонияни тарк этиб бўлди, деган ваз билан уни тергов қилишдан бош торгди. Бу билан Олмония Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг аҳволи билан унчалик ҳам иши йўқлигини намойиш қилди”, дейди Стив Свездлоу.

“Хюман Райтс Вотч”га кўра, Ўзбекистоннинг ҳамкорлари Андижон воқеаларидан буён ўтган етти йил мобайнида инсон ҳуқуқлари аҳволининг янада ёмонлашганини тан олишлари керак.

2005 йилнинг 13 май куни Андижонда асосан қуролсиз намойишчилар ўзбек ҳукумат кучлари томонидан аввалдан огоҳлантирилмаган ҳолда ва ёппасига қирилган.

Ўзбекистон ҳукумати ҳодисаларда исломий жангариларни айблаб, 100 дан ортиқ кишини узоқ йиллик қамок жазоларига маҳкум этган.

Ўзбек ҳукумати мулозимларидан ҳеч ким жавобгарликка тортилмаган.

“Хюман Райтс Вотч”нинг таъкидлашича, Ўзбекистон ҳукумати Андижон қирғини шохидларини таъқиб қилишни ханузгача тўхтатган эмас. Ташкилот Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг аянчли аҳволи манзарасида Оврўпо Иттифоқи ва АҚШнинг Ўзбек ҳукумати билан

яқин алоқаларини танқид остига олган. “Хюман Райтс Вотч”га кўра, Оврўпо Иттифоқи Ўзбекистон ҳукумати билан мулоқотнинг шarti сифатида ундан Иттифоқнинг жазо чораларида кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришни талаб қилиши керак. Инсон ҳуқуқлари гуруҳи АҚШ Давлат қотибаси Ҳиллари Қлintonнинг ўтган йили Ўзбекистонга таширфи чоғида “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари яхшиланаётганининг белгилари бор”, дея берган баёнотини қоралаган.

“Хюман Райтс Вотч”нинг айтишича, бу каби баёнотлар ишонарли эмас.

Ташкилотга кўра, Ғарб томонидан бу каби асоссиз баёнотлар эмас, балки аниқ оқибатларни назарда тутувчи маънили сиёсатгина Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларининг аҳволини яхшилашга хизмат қилиши мумкин.

“Хюман Райтс Вотч” Ўзбекистоннинг Ғарб билан муносабатлари амалда нормаллашганига қарамай, мамлакатдаги инсон ҳуқуқларининг аҳволи ўзгаришсиз қолаётгани ва Ўзбекистон ҳукуматида бу аҳволни яхшилашга қаратилган сиёсий иродани кўрмаётганини таъкидлаган.

Андижон хунрезлигининг навбатдаги санаси арафасида чиқарилган баёнотда Лондонда жойлашган Халқаро Амнистия ташкилоти ҳам Оврўпо Иттифоқини Ўзбекистонга нисбатан оҳангини юмшатиш билан инсон ҳуқуқлари борасидаги мажбуриятларига хиёнат қилганликда айблаган.

Ўзбекистон ҳукумати Андижонда аксарияти қуролли исломий жангарилардан иборат бўлган 187 кишининг ўлганини даъво қилади. Президент Каримов воқеалар юзасидан халқаро текширув ўтказиш ҳақидаги талабларни рад этган.

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

Каримов Ҳисоб Комиссиясига Муҳаммад Солихнинг сайлов кампанияси учун давлат томонидан ажратилган маблағни беришни таъқиллади. Шунингдек унинг сайловдаги ишончли вакиллари ҳам бир тийин олишолмади. Солих билан бўлган учрашувлар ҳам тазйик ва таъқиблар остида ўтар ва ёки умуман ўтишига тўсқинлик қилинарди. Матбуот, радио ва телевидения ҳам фақат бир киши – Каримовни пропаганда қилиш билан банд эди. Муҳаммад Салих фақат бир маротаба телевидения орқали чиқишга эришди, холос. У ҳам бўлса Тошкентдаги телевидения биноси олдида ўтказилган норозилик митингидан сўнг...

Сайловга ўн кун қоларкан, ҳукумат пойтахтдаги барча талаба ёшларни каникул уюштириб, уларига жўнатиб юборди. Қолбуки Тошкентлик студентлар Муҳаммад Солихнинг ашаддий мухлислари эди. Шунга қарамай, Фарблик қузатувчилар ўз мамнунликларини яширмасдилар: “Кўчаларда “Калашников” билан юриб, одамларни отиб ўлдиришмаганлари учун Худога шукр қилинлар! Сайловлар бу ҳеч нарса эмас. Улар ноҳолис ва ноҳалол бўлса ҳам ҳар қалай ўтди-ку! Худога шукр қилинлар!” Фарбнинг бизга бўлган “иккиламчи” қарашларининг ибтидоси ана шундай бошланган эди. Ҳозир ҳам айнан шу тарзда давом этмоқда... “Бирлик” Ҳаракати ҳам етарли имзоларни тўплашга эришгани билан, ҳукумат турли баҳоналарни рўқач қилиб, уларни сайловга қўйишмади.

Сайлов ўз белгиланган муддати – 1991 йилнинг 29 декабрида бўлиб ўтди. 30 декабрь кундуз кунни роппа роса соат 12.00 да Ўзбекистон радиоси сайловнинг тахминий яқунларини эълон қилди. Бу маълумотга кўра Муҳаммад Солих Президентликка муқобил номзод сифатида сайловчиларнинг 33 фоиз овозини олгани расман эълон қилинди. Орадан бир неча соат ўтгач эса, худди шу радио “хато бўлганини” айтиб, Солих 33 фоиз эмас, балки, 15 фоиз овоз олганини эълон қилди. Кейинги кун эса Ислом Каримов сайловчиларнинг 86 фоиз овозини олгани, Муҳаммад Солих эса – 12.7 фоиз овозга эга бўлгани эълон қилинди...

СТУДЕНТЛАРНИ ОТИШ
1992 йилнинг 16 январь кун

Ҳукумат студентлар намоёишини ўққа тутди. Икки нафар ёш йигит ҳалок бўлди, кўплар яраланди. Студентлар шаҳарчаси кўчаларига нон нархи камайишини талаб қилиб, намоёишга чиққан талаба ёшлар Ички Ишлар Вазирлиги миришаблари томонидан ўққа тутилди. Президент Каримов ўзининг уч йиллик бошқаруви давомида қайта қуриш давридан бўён салтанатига таҳдид солиб келган жамиятнинг бу қайсар ва бўсунмас авлодидан биринчи маротаба ана шундай қонли ўч олди... Студентларни отиш баробарида у муҳолиф кучларга бундан бўён унинг сиёсати билан келишмаган гуруҳлар ана шундай жазоланишини шаъма қилгандек эди гўё. Негаки, студентлар муҳолифатнинг катта шаҳарлардаги асосий қатламини ташкил қиларди.

Муҳаммад Солих бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар студентларни ўққа тутганларни топиб жазолашни ҳукуматдан талаб қилиб чиқди. Бу иш бўйича парламентда махсус комиссия ҳам тузилди. Айнан шу масала бўйича чиқиш қилган Президент бу тартибсизликларда “ЭРК” ва “Бирлик” алоқадор эмаслигини, лекин бузғунчиларни аниқлаш даркорлигини айтди. Қолбуки, бузғунчи ва гиж-гижловчилар Президент саройида эканини ҳамма яхши биларди.

Шу тариқа Парламент комиссияси “студентларни ўққа тутиш” масаласида бирор қарорга келолмай, тарқаб кетди... Ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, намоёишга чиққан талаба ёшларнинг отиб ўлдирилиши муҳолифатни ларзага солиб, анча сергаклантириб қўйди. Энди кучларни бир жойга тўплаб, муҳолифат тарқоқлигига барҳам бериш лозим эди. Токи ҳукумат бундан ортиқ фойдаланмаслиги учун ҳам бирлашиш керак эди.

Бу йўлда ҳам биринчи қадамни Муҳаммад Солих қўйди. 1992 йилнинг мартада “ЭРК” ташаббуси билан Ўзбекистон Демократик кучларининг Форуми ташкил топди.

Унга “ЭРК”, “БИРЛИК”, “ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР УЧУН” ҳаракати, “ТУРКИСТОН”, “ТУМАРИС”, “ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ОЛИМЛАР УЮШМАСИ” каби ташкилот ва бирлашмалар жам бўлган эди. Унинг биринчи анжумани Муҳаммад Солих раислигида ўтди. У ўз нутқида

муҳолифат учун бирлашиш тарихий зарурат экани ҳақида гапирди. Ўшанда у ошқоралик ва демократия тарафдорлари учун репрессиялар бошланиши мумкинлигидан огоҳлантирди...

САРОЙГА ТАКЛИФ

1992 йилнинг май ойи эди. Иккинчи Форум анжумани ўтказилиши арафасида Муҳаммад Солихни Президент Каримов ўз хузурига тушликка таклиф қилиб, Форумни тарқатиб юборишни илтимос қилди. Бунинг эвазига у “ЭРК”чиларга бир қанча вазирлик вазифасини, Солихнинг ўзига эса ҳукуматдаги энг юқори ўринни таклиф қилди. Солих бу таклифни рад этди. У бу ҳақда ўзининг “Йўлнома” асарига шундай ёзди:

“Бу таклиф билан Каримов мендан «Ўзбекистон Демократик кучлар Форуми»ни тарқатиб юборишни сўраётган эди. Мен Президентга миннатдорчилик билдириб, Форумни тарқатиб юбориш менинг қўлимда эмаслигини айтдим. Аксинча, Сиз Форумга келиб, биз билан халқ бахт саодати учун қўлни қўлга бериб ишламоқчи эканингизни айтинг, дедим. Ва яна: “Биз конструктив муҳолифат бўлайлик, Сиз конструктив ҳукумат бўлинг. Муҳолифат билан мулоқотга киришинг!” деб айтдим.

Президент: “Сиз билан мулоқотга доим тайёрман, ҳатто телевизорга ҳам чиқиб баҳслашимиз мумкин, лекин Сиз айтган таклиф менга тўғри келмайди!” деб жавоб қайтарди.

Мен унга агар Форумда сўзга чиқиб, муҳолифат билан алоқа ўрнатса, ўзига яхши бўлишини, Фарб наздида демократик лидер бўлиб кўриниши ва охир оқибат чет эл инвестициялари мамлакатга кела бошлашини тушунтиришга ҳаракат қилдим. Энг муҳими муҳолифат билан ҳукумат орасидаги низо барҳам топиб, нормал муносабатлар шаклланишига эътибор қаратдим. Мен бу сўзларни мутлақо самимий айтдим. Унинг менга ўтказган тазйик ва таъқибларини унутиб, муҳолифат вазиятини ўзгартириш учун имкон борлигидан максимум фойдаланиш илинжида эдим. Лекин Президент хануз ўз таклифлари билан овора эди: - “Токи мен таклиф қилган вазифалар ҳақидаги бирон бир Фармонга имзо қўймагунимча, бу ердан чиқиш йўқ! – деди у муғомбирона жилмайиб...”

(Давоми кейинги бетда)

ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

(Давоми: Боши олдинги бетда)

Солих ҳукуматга кирса, муҳолифат лидери ва сиёсатчи сифатида қайта қуриш йилларидан бўён йиққан барча обрў эътибори ва нуфузи инқирозга учрашини яхши биларди. Шунинг учун ҳам у Каримовга шундай жавоб қилди:

” – Нормал сиёсий партияларнинг нормал сиёсий фаолият юритиши фақат демократик тузумлардагина мумкин. Бизда эса, ҳамма нарса бир кишининг, яъни Сизнинг хоҳиш иродангизга боғлиқ бўлиб қолган. Ҳукуматга кирган муҳолифат аъзоларини истаган пайтингизда бўшатиб юборишингиз мумкин. Сиз жуда импульсив характерга эга одамсиз, Ислом ака.

- Нима, Сиз мени ким деб ўйлаяпсиз?, – сўқиниб тиржайди Каримов”.

(“Йўлнома”, 1999, Анқара, 282 бет) Солих Каримов табиатини мукаммал ўргангани учун ҳам унинг биринчи таклифи биланок ҳукуматга кириш гумроҳлик эканини яхши биларди. Шу билан бирга у муҳолифат билан ҳукумат муносабатлари тобора таранглашаётганини ҳам тушунарди. Лекин, энг муҳими, у не-не машаққатлар билан дунёга келган Форумдан воз кечишини тасаввурига ҳам сиғдиролмасди. Демократик Форумнинг иккинчи йиғилиши белгиланган муддатда ўз ишини бошлади. Президент дарғазаб эди. КГБ Пўлатов гуруҳи билан актив ишлаб бошлади. Пулатов Демократик кучларнинг иккинчи анжуманида иштирок этмади. Форумни эса, ўзининг унга кечикиб таклиф қилингани учун, легитим эмас деб эълон қилди. Лекин унинг бу баёнотига ҳеч ким эътибор бермади. Чунки, «Бирлик» ҳамраисларидан Бек Тошмухамедов Форум йиғилишида “Бирлик”ни легитим вакили сифатида иштирок этган эди...

Лекин Пўлатов барибир тинчимасди. У КГБ нинг ошқора ёрдами билан «Бирлик»чилар орасида янгидан янги иғво ва бўҳтон ёйиш, тарқатиш билан шуғулланарди. Унинг беминнат ёрдами билан шундоғам камайиб бораётган сафдошлар орасидан яна янгидан янги «сотқин» ва “хоинлар” аниқланаётганди... “Бирлик” ичидаги бўлиниш ва инқирознинг навбатдаги тўлқини ана шундай бошланган эди.

“БИРЛИК” ҚУРУЛТОЙИ

1992 йилнинг 23 майида “Бирлик” Ҳаракатининг 5 съезди ўз ишини бошлади.

Ҳақат лидерларидан бири Алибой Йўляхшиев ўзининг “Бирлик” ҳақида менинг билганларим” номли китобда шуларни ёзади: “Қурултойда ташкилий масала кўрилиб, Ҳаракатнинг янги дастури муҳокама қилинди. Ташкилий масала жуда оғир кечди. Қўқонлик делегатлар ва Тошкентлик вакилларнинг аксар қисми А. Пўлатов Ҳаракат раиси бўлишга номуносиб деб, унга қарши чиқишди. Бахслар ҳам натижа бермади. Абдулазиз Маҳмудов бошчилигидаги гуруҳ ўзини “Ўртадаги центристлар” ёки “Марказчилар фракцияси” (Фракцией центристов) деб эълон қилишди. Қўқонлик делегатлар билан Абдулазиз Маҳмудов гуруҳи Пўлатовга қарши овоз беришди. У бир озгина устунлик билан раис қилиб сайланди. Кейинчалик “Бирликчилар”нинг ҳикоя қилишларича КГБ Қурултойнинг кириш эшикларидан ўз одамларини кўйиб, Пўлатовга қарши бўлганларнинг йиғилишга киришларига тўсқинлик қилган. Улар бунга қайсидир маънода эришдилар ҳам, лекин тўлиқ эмас...

БИРИНЧИ АЙБЛОВ.

1992 йил июнь ойи охирларидан Пўлатовни уриб кетишди. Мутахассислар фикрича, бу “буюрилган уриш” эди (избиение было заказным). Уларнинг фикрича, уриб, калтаклаиб кетилган гуруҳ ичида КГБ нинг ҳам одами бор эди. КГБ “уриб кетган гуруҳ” ва унинг ортида ким турганини яхши билган. Лекин иш тергов қилинмади. Бунда албатта калтаклашни буюрган кишининг шахси ҳам катта рол ўйнаган эди. Улар “бир ўқ билан икки қуённи уриб”, бу ишлари билан ҳатто Каримовга ҳам доғ туширишмоқчи бўлишган. Негаки, яқин кунларда “ҳокимият алмашинуви” мумкинлигига ҳали кўплар ишонишар ва мабодо шундай бўлиб қолган тақдирда ҳар бир “клан” “хукмдор” бўлиши мумкин бўлган ўз раҳнамосига эга эди. КГБ ҳам бундан мустасно эмас эди... Уриб кетилгандан сўнгги воқеалар шиддат билан ривожлана борди. 1992 йилнинг 2 июль куни Муҳаммад Солих Парламент минбаридан айтгани каби «Мамлакатда диктатура ўрнатилгани» боис бунга норозилик сифатида истеъфо берди. Назаримда, у ўзи орзу қилганидек “Бутун миллат иштирокида ҳуқуқий

давлат қуриш” режаси рўё бўлиб чиққанини тушунган ва ҳукумат билан мулоқот ўрнатилишидан тамоман умидини узган эди. Америкалик журналист Скотт Малкомсон ўша давр ҳақида шундай ёзган эди: “Эрк” партияси янги Конституция Лойиҳаси устида ишлар ва ўз тузилмаларини мукаммаллаштириш ҳақида бош қотирарди. Шароитлар жуда ёмон эди. Газета чоп қилиши мумкин бўлган ҳукуматнинг бирдан бир “Матбуот уйи” “ЭРК” ҳафталиги тиражини юз мингдан ўн икки мингга тушириб қўйди. Энди эса, мана, унинг лидери Олий Кенгаш деб аталган Парламент аъзолигидан истеъфо берди. Унинг истеъфоси кўпчилик овоз билан қабул қилинди (Scott Malcomson, “Empire’s edge”, Travel in South-Eastern Europe, Turkey and Central Asia. London and New-York, 1994, pp: 187-191).

Ҳеч шубҳасиз, Муҳаммад Солихнинг иштироки Парламент “об ҳавоси”га сезиларли таъсир кўрсатаётган эди. Унинг истеъфоси эса шундоғам эркин Каримовни тамомила эмин эркин қилиб қўйди. Буни ҳатто чет эллик таҳлилчилар ҳам сезган эдилар: “Июлнинг сўнггида Солихнинг Олий Кенгашдаги истеъфосидан сўнг қабул қилинган янги Қонун итоатгўй кўпчилик томонидан мустақил депутатларни Парламентдан бемалол ҳайдашга яхшигина замин яратди” (William Fierman, Conflict, cleavage and change in C. Asia and Cauc. Cambridge Un. Pres-97, p 386)

“МИЛЛИЙ МАЖЛИС”

Бир нечта узокни кўра олмайдиган кишилар «Миллий мажлис» деган акцияни бевақт ва бемавруд кун тартибига олиб чиқишди. Уни тузиш таклифига Бобир Шокиров деган бизнесмен асос солган бўлса-да, лекин ундан асосан «ЭРК» ва “Бирлик”чилар зарар кўришди. 1992 йил июл ойининг охирларида «ЭРК» партияси котиби Отаназар Орипов, Президиум аъзоси Саловат Умурзоқов ва “Бирлик” Халқ Ҳаракати Тошкент вилоят раиси Ҳазраткул Худойбердиевлар ҳибсга олиниб, қамоққа ташландилар. Муҳаммад Солих бу ноаниқ ва тушуниб бўлмас «Мажлис»га бошиданоқ қўшилмаган бўлса-да, лекин унга ҳам бу борада айб эълон қилишди. 1992 йилнинг кеч кузида ундан Тошкентни тарқ этмаслик ҳақида тилхат олишди...

(Давоми келгуси сонда)

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Сувга бўлган эҳтиёж инсоннинг соғлигига ва еган нарсаларининг миқдорига боғлиқ. Инсон танаси худди Ер шари каби 70% сувдан, 30% қаттиқ моддалардан иборат. Яъни ҳар 30-40 грамм қаттиқ таомга 60-70 грамм сув аралаштириш керак. Мева ва сабзавот сувлари ҳам сув ҳисобланади. Хаддан ташқари кўп сув ичишда яхшилик йўқ, чунки сув конга аралашиб қон миқдорини орттиради. Қоннинг ортиши юракнинг қон айлантиришини қийинлаштиради ва юракнинг ризкинни (уришлар сонини) тез тугатади. Касал бўлганда шифо топиш ниятида қондиқларни эритиш ва чиқариш учун 1-1,5 литр сув (мева-сабзавот суви билан) ичса бўлади. Фақат соғайгандан кейин сув миқдорини зудлик билан камайтириш керак бўлади.

Етти ҳолатда сув ичиш касалликларга сабаб бўлади:

Чарчаган ва терлаган ҳолда, ҳаммомдан сўнг, ейиш пайтида, овқатни еб бўлган захоти, мева ва қовун егандан сўнг, туриб ва уйқудан уйғонибоқ сув ичиш касалликларга сабаб бўлади. Бу ҳолатларда эҳтиёж бўлса, бир неча кичик ютум ичиш мумкин. Кўнига 2 марта, эрталаб ва емақдан 1,5-3 соат кейин сув ичиш киши табиатиға энг мувофиқ ва тўғри тартибдир. Сув эрталаб ичилса, ичакларнинг ишлашиға, таомдан 1,5-3 соат кейин ичилганида ҳазмға ёрдамчи бўлади. Таомдан аввал сув ичса бўлади. Фақат бу ерда бир нарсаға эътибор қилиш керак: Таомни ҳидлагандан кейин сув ичиш тўғри эмас. Чунки пишаётган таом ҳиди чикса, оғиз ва ошқозонда дарров ферментлар ҳосил бўла бошлайди. Ичилган сув бу ферментларни ичакка олиб кетиб, ҳазмни қийинлаштиради. Бундай пайтларда кўпи билан бир қанча кичик ютум сув ичиш мумкин. Маъдан сувлари қонни тозалайди, яраларни ёпади, бадан ҳидларини кетказди. Фақат кунда бир пиёладан кўп маъдан суви ичмаслик, буни ҳам ҳар куни ичмаслик керак. Кишининг соғлигига қараб, доктор тавсияси билан маълум маъдан сувлари керакли миқдорда ичилади. Олтингурут булокли сувлар талоқ оғриғига, шишиға, жигар касалликларига, ревматизм, фалаж (паралич), аллергия, яралар, бўғин ва тери касалликларига шифо бўлади. Денгиз суви ҳам олтингурут сувидек таъсир қилади. Таркибида темир ва мис бўлган маъдан (қайнарбулок) сувлари буйрак, талоқ ва ошқозон учун фойдали. Ёшларнинг совук сув билан таҳорат олишлари ва ғусл қилишлари ҳам жуда фойдали.

Совуқ сув, асаб касалликларига, буйрак ва тухумдон яллиғланишиға, бошқа яллиғлантирувчи ва ҳароратни оширувчи касалликларға яхши даводир. Аммо сил (туберкулез), тутканок ва жигар касалликлари билан оғриганлар тузалмагунларича совуқ сув ишлатмасликлари керак. Оғир касалликдан чиққанлар, жарроҳликдан чиққан қуввати кам кишилар ва қарияларнинг илиқ сув ишлатишлари мақсадға мувофиқ. Соғлом кишиларнинг эса, иссиқ сувға эҳтиёжи йўқ. Бўлганида эди, Аллоҳ Таъоло сувни иссиқ қилиб яратар эди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) куёшда иситилган сув билан таҳорат қилишни ёки ғусл қилишни маън қилганлар ва куёшда исиган сувнинг тери касаллигига сабаб бўлишини айтганлар. Имом Шофъий ҳазратлари куёшда исиган сув билан таҳорат қилишни макрух ҳисоблаганлар, ҳатто бу сув билан кийимларни ҳам ювишни муносиб кўрмаганлар. Бугунги докторлар эса, инсонларға куёшда ойларча қолиб кетган шишадаги сувлардан кўниға 3-6 литр ичишни тавсия қилишмоқда!!! Охирги йилларда ичимлик сувларининг чиришини олдини олиш ва тозалигини сақлаш мақсадида сувға карбон нанопарчалар кўшилмоқда. Оғиз йўли билан танаға қирган карбон нанопарчалари тўқималарға тўпланиб, ҳужайралардаги метаболизмға аралашиб, мутацияға олиб келиши мумкин. Масаланинг яна бир ғалати тарафи шундаки, кўпгина суверен давлатларнинг сув манбалари бегона ширкатлар тарафидан сотиб олиниб, бу сувлар фақат ўша ширкатларға маълум услублар билан “тозаланиб”, ишловдан ўтказилиб, халққа тақдим этилмоқда. Бу демак, замонамизда сув устида исталган стратегик ўйинни амалға ошириш мумкин ҳолға келди. (“Нанотехнология” бўлимиға қаранг).

Асал
Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Асал энглар, зеро асал бўлган уйға фаришталар раҳмат тилашади. Асал еган кишининг ошқозонига минг даво қиради ва миллионларча гунох узоклашади. Бир киши ўлса ва баданида асал бўлса, баданини жаҳаннам оташи қуйдирамайди. Ҳар куни эрталаб асал шарбати ичганлар касал бўлишмайди. Менимча асал каби шифо йўқ”, деганлар. Асал ошқозон ва ичаклар фаолиятининг бузилишиға шифо; ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги яра ва ташқи яраларнинг битишини таъминлайди. Ревматизм, юрак, ўпка, жигар ва тери касалликларига шифо. Томирларнинг қаттиқлиги, асаб бузилиши ва анемияға фойдалидир. Асал ҳам ич қотишини кетказадиган ҳамда ич

кетишини (диареяни) тўхтатадиган доридир. Асал ейиш кишини ёшартиради, кишиға қувват бахш этади. Шифоли томонларидан ташқари, асал чакалоклардан тортиб қарияларғача керакли озик моддаси ҳисобланади. Ҳақиқий асал ари пагагидан олинганидан 4-5 ҳафта сўнгра кристаллашишни бошлайди. Қотган асалнинг кристаллари нозик бўлади. Катта кристалли асалнинг сифати паст. Баъзи асал турлари кристаллашмайди. Олий сифатли асал баҳор бошларида ва ёзда олинган асалдир. Дори сифатида қўллаш учун айнан шундай асал танланиши керак. Баҳорнинг охириларида олинган асал унчалик шифоли бўлмайди. Бир нўхат донаседек прополис (асалари елими) ва шу миқдорда асал муми асал билан бирға чайналса, оғиз ва бурун томирларидаги тикилишларни кетказди. Варикоз, гангрена, оғиз яралари, чипқон, теридаги яллиғланишли яраларға асал суриш шифолидир.. Асал кўз ва кўз яраларига малҳам, оғизни тозаловчи ва томир очувчи сифатида қўлланилади. Қулоққа бир хил миқдорда асал ва илиқ сувда эритилган тош тузи дамланса, қулоқни яллиғланишдан тозалайди. Ангина шишганида оғизда асал тутиш фойдали. Асал уйқусизликка яхши даводир. Қанд касали бўлган беморлар ҳам бир чой қошиғидан бошлаб, ҳар кун 1 чой қошиғидан 1 ош қошиғиға асал ейишлари мумкин ва ҳақиқий асалнинг давоси билан бу касалликдан қутулишади. Асал таом билан бирға ёки таомдан кейин ейилса, шифо хусусиятини йўқотади, аллергик таъсир қилиши мумкин. Асалнинг кўпи семиртиради, дангаса қилади, уйқучи қилиб қўяди. Даволаниш умидида асал ейишни хоҳлаган киши ҳар куни эрталаб ё кечқурун оч қоринға 1 қошиқ асал ейиши керак. Фақат еган асали таом ўрниға ўтади, яъни унинг кетидан таом ейилмайди. Асал билан бирға сув ичиш мумкин. Эрталаб ва кечқурунги таомдан аввал 1 чой қошиқ асал ейиш ҳам мумкин. Бир неча кун фақат асал билан кун кечирмоқчи бўлганлар ҳар куни 100-150 грамм асал ейишлари мумкин. Ҳар куни асал ейдиганларнинг кунда 1 ош қошиғидан кўп асалға ёки бошқа ширинликларға эҳтиёжи қолмайди. Асални бармоқ билан ёки тахта қошиқда ейиш суннатдир. Асал совутгич (холодильник) ёки музлатгичларда (морозилникларда) эмас, балки салқин ва қоронғу жойда сақланиши керак. Агар асал солинган шиша ёки тахта идиш қаттиқ ёпилса, ундаги асал шифобахш хусусиятини йўқотмасдан йиллар давомида сақланиши мумкин.

(Давоми кейинги бетда)

АСОСИЙ ЕГУЛИКЛАР

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Асал таркибида 18% сув, 40% мева қанди (фруктоза), 34% узум қанди (глюкоза), 0,4% бошқа қандлар, 0,3% протеин, 7,1% темир тузлар, микроэлементлар, ферментлар, витаминлар ва бошқа моддалар бўлади.

Асал лабораторияларда бу таркибга кўра глюкоза ва фруктоза текширилади. Умуман асалда глюкоза ва фруктоза нисбати меъёрларга тўғри келса, ундаги бошқа моддаларнинг нисбатлари ҳам тўғри келади.

Афсуски, бугун бу текшириш ўз аҳамиятини йўқотган. Чунки Туркияда гени ўзгартирилган глюкоза ва фруктозалар ишлаб чиқарилмоқда ва хориждан келтирилган синтетик асал аромати қўлланилмоқда. Бу шаклда яхши хидли турли аралашмалар асал сифатида бозорга чиқарилмоқда. Бу сохтакорликни исбот қилиш қийин иш, чунки Туркияда бу соҳада етарлича лаборатория ва мутахассислар йўқ.

Асал билан тайёрланадиган дорилар:

1 кг сариеғ сувда 5-10 дакика қайнатилади, сув устига чиққан сариеғ олиниб, 500 гр асал билан аралаштирилади. Яра, пуфакчалар ва куйган жойларга сурилади. Бу аралашмани нонуштада нон билан ҳам еса бўлади.

3 қошиқ мойчечак 500 гр. иссиқ сувга солинади ва 1 соат дамланади. 40 даражагача етиб, совуганидан сўнг сузилади ва 3 ош қошиқ асал қўшиб ейилади. Ангина, оғиз, тил, ошқозон ва ичак яраларига ҳам қўлласа бўлади (ғарғара қилинади, ичилади, клизма қилинади).

1 ош қошиқ асал 1 пиёла олма шарбатида эритилади ва ҳар куни эрталаб оч қоринга ичилади. Бу дори хусусан жигар хасталиқларига шифодир.

10 гр тош тузи 50 гр илиқ сув билан эритилади. Сўнг бу тузли сувдан керакли микдор олинади ва шу микдордаги асал билан аралаштирилади. Эрталаб-кечқурун илтилиб қулоқларга 7-8 томчи томизилади. Ўрта қулоқнинг яллиғланиши, замбуруғ ва қулоқ шанғиллашига фойдалидир. Ёнғоқ барги чой каби дамланиб, сузилади. 40 даражагача совиганидан кейин асал қўшилади. Ҳар куни чой қилиб ичилса, танага қувват беради ва жонлантиради.

Асалли саримсоқли дори

10 дона лимон суви тахта ховончада майдаланган 10 бош саримсоқ ва 1 кг асал билан аралаштирилиб, шиша идишга солинади. Оғзи 3 қават пахта латга билан ёпилади, салқин ва қоронғу жойда 7 кун сақланади. Етти кундан сўнгра идиш оғзи ёпилиб, музлатгичга қўйилади. Йиллар давомида сақланиши мумкин, қанчалик кўп сақланса, шунча



қувватли бўлади.

Дори тайёр бўлганда ҳар куни бир вақтда оч қоринга 4 чой қошиқдан истеъмол қилинади. Ҳар сафар оғизга 1 чой қошиқдан кўп емаслик ва ютмасдан аввал оғизда эритиш керак. Чунки муҳими дорининг ошқозонга кириши эмас, балки оғиздаги майда томирлар орқали баданга сингишидир. Дорининг бу шаклда истеъмол қилиниши юрак ва мия томирларини тозалайди. Ичилса, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраларини, ошқозондаги Н.Рylogi инфекциясини йўқотади. Бу курс соғлом кишиларнинг касалланмасликлари, касалларнинг эса тузалиши учун йилда бир марта қўлланилади. Бундан ташқари, ёши 40 дан ўтганлар ҳар қандай касалликка мазкур дорини ичишлари мумкин. ИЗОХ: Лимон суви ўрнига сирка ҳам қўлланса бўлади (“Олма Сиркаси” бўлимига қаранг.)

Полен

Ўта қиммат озуқа ҳисобланган полен ари уясида олинганида кўплаб касалликлардан соғайишни осонлаштиради. Ариларнинг ферментлари билан аралашган полен аллергия бермайди. Катта, кичик, ёш, қари, касал ёки соғлом ҳамма полен ишлатиши мумкин. Ўсмирлар 1 чой қошиқ, кичиклар эса ярим ёки чорак чой қошиқ полени ўша микдорли асал ҳамда илиқ сув билан аралаштириб, умр бўйи йилда 1 ойлик курслар олишлари мумкин. Полен тоза бўлиши ва эрталаб оч қоринга ичилиши керак. Агар бир йил ўтиб кетса, фойдали хусусиятларини йўқотади ва аллергия бериши ҳам мумкин. Полен совутгичда сақланиши ва қуруқ бўлиши керак, чунки намдан бузилади. Унинг ичида мавжуд 27 модда (натрий, калий, цинк, бор, кальций, титан, хром, барий ва бошқалар) сув билан кимёвий реакцияга киришиб, соғлиқ учун зарарли ҳолга келиши мумкин. Полен истеъмол қилганлар протеинли озукаларни (гўшт, тухум, пишлок, балиқ) ейишни камайтиришлари керак, чунки полена жуда кўп протеин бор.

Ари сути

Ари сути ревматизмга, гормон мувозанатсизлигига, анемияга,

ҳолсизликка, ошқозон ва ичак касалликларига, соч тўкилишига, ўпка, юрак ва бошқа касалликларга қарши қабул қилинади. Ари сути таркибида В1, В2, В3, В6, В12, С, Н, РР, Е витаминлари, аминокислоталар ва органик кислоталар мавжуд. Ари сути совутгичда сақланади.

Қабул қилиш услублари:

10-20 миллиграмм ари сути эрталаб-кечқурун оч қоринга тил остида эритилиб, кейин ютилади. Тўғридан-тўғри ютилса, шифоли хусусиятларини йўқотади.

Ёки: 10-20 миллиграмм ари сути 10-30 гр асал билан аралаштирилиб, бир ой давомида эрталаб-кечқурун оч қоринга оғизда эритилиб ютилади. Бу танадаги безларни тозалаб, уларнинг мувозанатли ишлашини таъминлайди. Прополис (асалари елими) Прополис ари уяларидаги қаҳваранг қатрон бўлиб, юқори даражали антимикробиял ва бактерицид таъсирдан ташқари ангина, милк касалликлари, ташқи ва ички яралар, куюклар, экзема, замбуруғ, геморрой, туберкулёз, захм (сифилис), суяк касалликлари ва шу каби касалликларнинг давосида қўлланилади.

Қўллаш услублари:

Нўхот катталигидаги прополисни эригунича оғизда сақлаб ёки сақич қилиб чайнаш ангина, милк касалликлари, суяк юмшаши, тиш оғриғи, ошқозон, оғиз ва тил яраларига фойдали. 1 кг сариеғ эмал ёки шиша идишда қайнатилиб, 80 даражагача совуганидан кейин ичига 100-200 гр прополис парча-парча ҳолатда қўшилади. Бу аралашма 80 даражадаги сув идишда (бир идишга 80 даража совуқликда сув куйилиб, ичига сариеғ ва прополис бўлган идишлар қўйилиб) 20-30 дакика аралаштирилади. Ички касалликлар ва яраларга қарши эрталаб оч қоринга 20 граммдан ейилади. Тери касалликлари ва яраларга сурилади. Бу аралашмани соғлом киши ҳам нонуштада нонга қўшиб, чой билан ичиши мумкин. Прополис иситилганидан сўнг сўгал устига қўйилади ва устидан боғланади. Ва сўгал купорилиб, тушгунича 3-5 кун кутилади.

ОЙДИН СОЛИҲ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолддин Йўлдош